

ХФР

1918-yil
21-iyundan chiqqan
boshlagan

№20, 2022-yil 18-may,
chorshanba (32.714)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Barchaga g'amxo'rlik – davlatning burchi

O'zbekiston OVOZI

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ЕТАКЧИЛАРИ ИККИ ТОМОНЛАМА ВА МИНТАҚАВИЙ КҮН ТАРТИБИДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 май куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Қозоғистон Президентини таваллуд куни билан самимий муборакбод этиб, унга мустақкам соғлиқ, бахт-саодат ва муваффақиятлар, биродар Қозоғистонга тинчлик-осойишталик ва раванқ тилади.

Ўзбекистон – Қозоғистон дўстлик, яхши кўшничлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари жадал ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Жорий йил бошидан ўзаро савдо кўрсаткичлари барқарор ошиб бормоқда. Яқинда мамлакатларимиз ўртасида темир йўлда йўловчи ташиш қайта тикланди.

Куни кеча Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳукумат делегациялари ўтказган музокараларнинг амалий натижалари юқори баҳоланди. Қўшма кооперация лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга оширишни жадаллаштириш муҳим экани таъкидланди.

Икки мамлакат етакчилари халқаро кун тартиби ва минтақавий ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

ЎЗА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ МОДДИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ҲАМДА РАҒБАТЛАНТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Давлат тиббиёт муассасалари ходимлари фаолияти самарадорлигини ошириш, юқори самарали меҳнатга интилиши учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ўз касбий даражасини ошириб боришдан манфаатдорлигини таъминлаш, шунингдек, 2022 йил 18 март куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан "Тиббиётдаги ислохотлар – инсон қадри учун" мавзусидаги очиқ мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Белгилансинки, **2022 йил 1 июндан бошлаб** давлат тиббиёт муассасалари тиббиёт, фармацевтика ва бошқа ходимларнинг ойлик лавозим маошлари:

олий ва биринчи малака тоифаларига эга бўлган тиббиёт ва фармацевтика ходимлари учун – **15 фоизга;**

иккинчи малака тоифасига эга бўлган ва тоифага эга бўлмаган, шунингдек, бошқа тиббиёт ва фармацевтика ходимлари учун – **10 фоизга;** тиббиёт муассасаларининг **бошқа ходимлари** учун – **15 фоизга** оширилади.

Бунда, тиббиёт муассасаси ходимларининг тариф ставкаларини ҳисоблаш амалдаги меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари бўйича тариф коэффициентларини тегишинча 1,15 ва 1,1 баробарга кўпайтириш орқали амалга оширилади.

2. **2022 йил 1 июндан бошлаб** Тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасини (кейинги ўринларда – Жамғарма) шакллантириш учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар миқдори тиббиёт муассасаси учун ажратиладиган бюджет маблағларининг умумий ҳажмига нисбатан куйидаги миқдорларда белгилансин:

бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари, шошилинч ва тез тиббий ёрдам хизмати, болалар тиббиёт муассасалари, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳамда ижтимоий касалликларга (сил, буйрак етишмовчилиги, онкологик, рухий, наркологик, эндокрин, мохов (лепра), юқумли, жинсий йўл билан юқтириладиган, ОИТС) ихтисослашган тиббиёт муассасаларида – умумий харажатларнинг **10 фоизи;**

Давоми 2-бетда. ▶

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ АЛИФБОСИ



2



ИҚТИДОРЛАР БЎЗАТОВДА

Қорақалпоғистон Республикаси Бўзатов туманидаги амфитеатрда "Бўзатов иқтидорларни кашф этади!" шiori остида ўтказилган "Ёшлар овози" танлов республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги томонидан бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилган танловнинг республика босқичида ҳудудий босқичларда ғолибликни қўлга киритган 152 нафар иштирокчи қатнашди.

11 май бошланган танловда 10-15, 16-22, 23-30 ёш тоифасидаги ёшлар бахшичилик, анъанавий ижро, опера ҳамда эстрада йўналишларида ўз маҳоратини намойиш этди.

Ҳар бир йўналиш бўйича биринчи ўрин соҳибларига 50 миллион сўм, иккинчи ўрин эгаларига 30 миллион сўм, учинчи ўрин эгаларига иқтидор эгаларига 20 миллион сўм пул мукофоти сертификати топширилди. Бундан ташқари, қолган барча иштирокчилар – 10 миллион сўмдан пул мукофоти билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз.

КИМЁ ОЛИМПИДАСИ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Президент таълим муассасалари агентлиги томонидан ташкил этилган Халқаро Менделеев олимпиадаси муваффақиятли якунланди.

Пойтахтимиздаги "Янги Ўзбекистон" мажмуасида мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган 56-Халқаро Менделеев кимё олимпиадаси ғолиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Ўтган бир ҳафта давомида турли мамлакатлардан ташриф буюрган 100 га яқин истеъодлар нафақат ўзаро куч синашишди, балки билим ва тажрибаларини ошириб, янги дўстлар орттирди.

Халқаро олимпиаданинг 10 нафар иштирокчиси – россиялик 5 нафар ўқувчи, Туркия, Исроил, Беларусь Республикасидан бир нафардан ўқувчи олтин медалга муносиб топилди. Улар орасида Ўзбекистондан Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги Абу Али ибн Сино номидаги ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиси Азимжон Жамолов ҳам биринчи ўринга сазовор бўлди.

Ўз мухбиримиз.



СУВ Кўпми? КАММИ? ЕТАДИМИ?

7

SIYOSAT

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

МАҲАЛЛИЙ МАҲСУЛОТЛАРНИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ЧИҚАРИШ ТАРТИБИ СОДДАЛАШТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 17 май кунги товар-хонашёр биржасида савдоларни ва унда маҳаллий корхоналар иштирокини кенгайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Биржа бу – бозор иқтисодиётининг алифбоси. Ундаги савдолар эркин рақобатни шакллантиради, тадбиркорлар учун янги бозорларни очади, “яширин иқтисодиёт” ва коррупцияни кескин камайтиради.

Шу борадаги ислохотлар натижасида сўнгги уч йилда юртимизда биржа савдо айланмаси 2 бараварга ўсиб, 90 триллион сўмга етган, сотиладиган товарлар сони эса 3 бараварга кўпайган.

Бундан ташқари, хорижий давлатларда Ўзбекистон товар-хонашёр биржасининг 20 та савдо майдончаси ташкил этилиб, жорий йилнинг 4 ойда улар орқали 170 миллион долларлик маҳсулот сотилган. Шунингдек, 1 минг 200 дан ортиқ хорижий компаниялар юртимиз биржасига катта ҳажмда маҳсулот кўйишни бошлади.

Илгари савдоларда “ўртақаш”лар кўп бўлгани сир эмас. Ўтган йили эса йирик корхоналар биржадаги очик-ошқора савдолар ҳисобига 8 триллион сўм қўшимча даромад қилган.

Шу билан бирга, биржа савдоларини ташкил этиш, маҳаллий тадбиркорларнинг иштирокини кенгайтириш борасида ҳали ҳам айрим камчиликлар бор.

Мисол учун, биржа савдоларининг 85 фоизини 45 турдаги юқори ликвидли товарлар ташкил этмоқда. Тўқимачилик, ипақ, чарм ва кабель маҳсулотлари, ҳудудлардан Сирдарё, Андижон ва Сурхондарё вилоятлари корхоналарининг биржа савдоларидаги иштироки паст бўлиб турибди.

Шу боис давлатимиз раҳбари маҳаллий маҳсулотларни биржага кўйишда туманларни фаоллаштириш зарурлигини таъкидлади.

Мисол учун, 1 июлдан 500 минг тонна ғаллани биржа орқали сотиш йўлга қўйилади. Йиғилишда бу жараёни ташкил этиш, фермер ва юк ташувчиларни рўйхатдан ўтказиб, уларга қулайлик яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Жумладан, фермерлар бўғдойни биржага кўйганда, улардан гаров талаб этилмайди. Сотилган маҳсулотга биржа томонидан бир кунда тўлов амалга оширилади. Фермерга тўловлар ўз вақтида ва тўлиқ келиб тушишни биржа қафолатлайди.

– Бу туманларнинг биржадаги иштирокини кенгайтириш учун яхши имконият, – деди Шавкат Мирзиёев.

Бугунги кунда 45 мингдан зиёд маҳаллий sanoat корхоналаридан бор-йўғи 3 минг 600 таси биржага ўз маҳсулотини чиқармоқда. Албатта, бу жуда кам.

Шу боис, маҳаллий маҳсулотларни биржа савдоларига чиқариш тартиби соддалаштирилмайдиган бўлди.

Жумладан, 1 июлдан биржада алоҳида истиқболли товарлар секцияси ташкил этилиб, маҳаллий тадбиркорларнинг ўз маҳсулотини ортиқча ҳужжатларсиз сотиши йўлга қўйилади. Энг яхши сотилган товарлар, кейинчалик, биржанинг асосий савдо майдонларига жойлаштирилади. Тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказишда, бир вақтнинг ўзига, биржада ҳам ҳисобга олиш тартиби жорий этилади.

Яна бир қулайлиги – маҳаллий тадбиркорларнинг маҳсулотлари учун биржа тўловлари 2 бараварга қисқартирилади. Солиқ назоратида тадбиркорларнинг биржа орқали сотган ёки харид қилган товарлари бўйича қўшимча ўрганишлар ўтказилмайди.

Бундай имкониятлардан фойдаланиб, биржадаги товар айланмасини 2 бараварга ошириш мумкинлиги таъкидланди. Хусусан, кимё, нефть-газ, металлургия, тўқимачилик ва озиқ-овқат sanoatидоги улкан захиралар кўрсатиб ўтилди.

Биржада экспорт-импорт маҳсулотлари савдоси ҳажминини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бу борадаги тартиб-таомилларни ҳам энгиллаштириш чоралари белгиланди.

Йиғилишда биржа савдоларида қатнашиш истагидаги тадбиркорларга кўмаклашиш, бу соҳада мутахассислар тайёрлаш бўйича қатор топшириқлар берилди.

Тармоқ ва ҳудуд раҳбарлари биржа савдоларини кенгайтириш режалари бўйича ахборот берди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ МОДДИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ҲАМДА РАҒБАТЛАНТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

республика ва вилоят даражасидаги бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларида – умумий харажатларнинг **5 фоизи**.

Белгилаб қўйилсинки, Жамғарма маблағларининг **75 фоизи** гуруҳидан қатъи назар барча давлат тиббиёт муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришга, **25 фоизи** – тиббиёт муассасасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, модернизация қилиш ҳамда таъмирлашга йўналтирилади.

Бунда: ходимларни моддий рағбатлантиришга ажратилган маблағлар ҳисобидан давлат тиббиёт муассасасининг юқори малакали, алоҳида натижага эришган, ҳалол ва виждонан ишлаётган **тиббиёт ҳамда фармацевтика ходимларига ойлик лавозим маошининг 100 фоизгача** ҳамда **бошқа ходимларга 75 фоизгача** ойлик устамалар;

янги иш бошлаган салоҳиятли **ёш шифокорларга 1 миллион сўмгача** махсус ойлик устамалар;

ойлавий шифокор пунктлари, оилавий поликлиникалар ва кўп тармоқли марказий поликлиникаларда кундузги стационар иш вақтини соат 20:00 гача узайтириш ҳисобига иккинчи сменада ишловчи шифокор ҳамда ҳамшираларга лавозим маошининг **30 фоизгача ойлик қўшимча устамалар** тўлаб берилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** Жамғарма маблағлари ҳисобидан тиббиёт муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини тасдиқласин.

3. Тиббиёт муассасаларида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхатга мувофиқ юқори технологик мураккаб операцияларни бажарган шифокор-хирурглар лавозим маошининг **25 фоизи миқдорид**да қўшимча устама жорий этилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда **икки ҳафта муддатда** юқори технологик мураккаб операциялар рўйхатини тасдиқласин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) **2022 йил 1 сентябрдан бошлаб** даволаш-профилактика муассасаларининг ходимларига уларнинг тиббиёт соҳасида ва меҳнат фаолиятида илмий ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасини инобатга олган ҳолда, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан фан доктори (**Doctor of Science**) илмий даражаси учун лавозим маошининг **60 фоизгача** ва фан номзоди ёки фалсафа

◀ Давоми, бошланishi 1-бетда.

доктори (**PhD**) илмий даражаси учун лавозим маошининг **30 фоизгача** миқдорда ҳар ойлик қўшимча ҳақ тўланади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси ва Молия вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** даволаш-профилактика муассасаларининг илмий даражасига эга бўлган ходимларига қўшимча ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини киритсин;

б) барча тиббиёт ходимлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан дастлабки ва даврий тиббий кўриқдан **бепул ўтказилади**.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда тиббиёт ходимларини тиббий кўриқдан ўтказиш билан боғлиқ харажатлар учун зарур маблағларни доимий равишда тиббиёт муассасаларининг харажатлар сметасида кўзда тутилишини таъминласин.

5. Белгилаб қўйилсинки, **2022 йил 1 июлдан бошлаб** вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан, шунингдек, хорижий давлатлардан Қорақалпоғистон Республикасининг **Тахтақўпир, Чимбой, Қораўзақ, Бўзатов, Шуманай, Қўнғирот туманларига** бориб ишловчи шифокорларнинг ойлик лавозим маошига дастлабки уч йил давомида **100 фоиз, Мўйноқ туманида эса 200 фоиз** миқдорда қўшимча ҳар ойлик устама тўловлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланади.

Бунда, мазкур бандда кўрсатилган устамани олиш учун шифокор бошқа ҳудудда камида иккинчи даражали малака тоифасига эга бўлган бўлиши лозим.

6. Маданият вазирлиги, Кинематография агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан:

тиббиёт ходимларининг машаққатли ва шарафли фаолияти тасвирланган бадиий, сахна ва кино асарларини ҳамда сериалларни кўпайтирсин;

тиббиёт ходимларини йилда бир марта театр ва концерт томошаларига бепул олиб бориш тизимини ташкил этсин.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда **2022 йил 1 июлга қадар**

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 17 май

МУНОСАБАТ



**Улуғбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги Ўзбекистон
ХДП фракцияси раҳбари:**

– Инсоният тарихи гувоҳлик берадики, қаерда, қачон таълим, тарбия жараёнлари тўғри йўлга қўйилган бўлса, ўша жойда, албатта, ўсиш, юксалиш рўй берган. Кейинги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуслари асосида таълим тизимини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор замирида Учинчи Ренессанс ғоясини рўёбга чиқаришдек эзгу мақсад мужассам.

Президентимизнинг 2022-2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисидаги фармони, шунингдек, Халқ таълимини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори таълим тизимидаги ислохотларни янги босқичда изчил давом эттириш бўйича стратегик ҳужжатлар ҳисобланади.

Тегишли фармон билан 39 та аниқ чора-тадбирни ўз ичига олган 2022-2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастур тасдиқланди. Ушбу дастурда халқ таълим тизимини замон талабларига мувофиқ ислохот этиш бўйича 6 та устувор йўналишда вазифалар белгиланди.

Илгор хорижий тажриба асосида таълим сифатини ошириш биринчи устувор йўналиш сифатида қайд этилгани бежиз эмас. Ҳар бир

СТРАТЕГИК ҲУЖЖАТЛАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

соҳа, айниқса, таълим соҳаси дунёда ҳар кунги ўсмоқда, инсон капиталини тезкор ва самарали ривожлантириш бўйича янгидан-янги ёндашувлар, методологиялар вужудга келмоқда. Миллий таълим тизимимизни илгор тажрибаларга мослаштирмасдан туриб, глобал оламда ўз ўрни ва сўзига эга бўладиган ёш авлодни вояга етказиш имконсиздир. Кейинги ўқув йилига, шу йил сентябрга қадар таълим жараёнига янги миллий ўқув дастурини жорий этиш вазифаси белгиланди.

Алоҳида таъкидлаш керакки, жамиятда ўқитувчи касби хурматини жойига қўйиш бўйича охириги йилларда мисли кўрилмаган ютуқларга эришилди. Педагоглар фақат таълим-тарбия жараёнлари билан машғул бўлиши, касби билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этилиши таъкидланди. Ўтган йилларда педагогларнинг хурматини тиклаш, қаддини кўтариш устувор масалалардан бўлган бўлса, эндиликда Миллий дастурда жамиятда ўқитувчи касби нуфузини ошириш вазифаси қўйилмоқда.

Ўқитувчилар шундай касбга айландики, ҳар кунги ўз устида ишламаган, замонавий билimlerни ўзлаштирмаган педагог ўқувчиларга сифатли таълим бериш уёқда турсин, уларнинг эътиборини ҳам торта олмайди, фанларга қизиқтира олмайди. Айниқса, янги ўқув йилидан янги миллий дастурнинг жорий этилиши педагогларнинг доимий касбий ривожланишини, ўзига нисбатан талабчанликни оширишни талаб этади.

Етакчи давлатлар тажрибаси шуни кўрсатдики, ҳар бир соҳа бўйича замонавий бошқарув, тизимли мониторинг ва жамоатчилик назорати институтларини фаол йўлга қўйиш, уларни мунтазам равишда такомиллаштириб бориш зарур. Бу масалалар 10 мингга яқин мактаблардаги таълим жараёнларини самарали олиб боришда долзарб аҳамиятга эга, албатта.

Шунинг учун ҳам Президентимизнинг 2022-2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисидаги фармонида илгор мактаб директори ва намунали ўқитувчи мезонларини ишлаб чиқиш, улар асосида раҳбар ва педагог кадрлар фао-

лиятини баҳолаб бориш, умумий ўрта таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, мазкур йўналишда узлуксиз мониторинг, баҳолаш ва прогностлаш механизмларини йўлга қўйиш, бола таълим-тарбиясида оила, айниқса, ота-онанинг ўрнини ошириш, умумий ўрта таълимда барча маълумот алмашини жараёнларини Халқ таълим тизими бошқарушининг ягона дастурий мажмуаси орқали амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, фармонда аниқ мақсадли кўрсаткичларга эришиш вазифалари қўйилди. Халқ таълим вазирлиги 2024 йил 1 сентябрга қадар Миллий ўқув дастурининг таълим жараёнига тўлиқ жорий этилишини, шу жумладан, 2022 йил якунига қадар 3-, 6-, 7- ва 10-синфлар учун, 2023-2024 йилларда 4-, 5-, 8-, 9- ва 11-синфлар учун дарсликлар, машқ дафтарлари ҳамда ўқув қўлланмалар яратилишини таъминлаши керак.

2022 йил 1 сентябрга қадар 3-, 6-, 7- ва 10-синф ўқитувчиларни Миллий ўқув дастури асосида ишлаб чиқилган қисқа муддатли малака ошириш курсларида ўқитилади.

Халқ таълим ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказлари негизда Педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий марказлари, А.Авлоний номидаги илмий-тадқиқот институти негизда эса А.Авлоний номидаги педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институти ташкил этилади. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, унинг ҳузурдаги таълим ва илмий ташкилотлар Халқ таълим вазирлиги тасарруфига ўтказилиб, педагогика йўналиши бўйича ўқув дастурларни ишлаб чиқишда етакчи олий таълим муассасаси этиб белгиланди.

Президентимизнинг “2022-2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисидаги” фармонида таълим тизимидаги ислохотларни жадаллаштириш бўйича бошқа вазирликлар зиммасидаги вазифалар ҳам аниқ кўрсатиб қўйилди. Бу бежиз эмас, албатта.

Халқ таълим катта тизим, мактабларда таълим-тарбия жараёнлари сифатли йўлга қўйилиши бошқа кўплаб ташкилотлар ҳам самарали ишлашни тақозо қилади. Ўзи, умуман, бу малака давлатимиз раҳбарининг доимий назоратида бўлиб, жойларда ҳокимлар мактаблардаги шароитни яхшилаш бўйича асосий масъул этиб белгиланди.

Президент фармонига кўра, Халқ таълим вазирлиги Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишилган ҳолда, 2022 йил 1 сентябрга қадар 2023-2024 йилларда мактабларда маънан эскирган компьютер синфларини янгилаш бўйича дастурни Вазирлар Маҳкамасига киритилади. Мазкур дастурни молиялаштириш учун республика бюджети ҳисобидан 200 миллиард сўм, маҳаллий бюджетлар ҳисобидан 200 миллиард сўм миқдорда маблағлар ажратилади.

2023 йилдан бошлаб Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги масъулиятида умумий ўрта таълим муассасаларини замонавий компьютерлар билан таъминлашни молиялаштириш манбаларини аниқлаш чоралари қўрилади.

Президентимиз томонидан халқ таълим тизимини ривожлантириш бўйича қабул қилинган стратегик аҳамиятга эга ҳужжатларда бир-бирдан муҳим вазифалар белгилаб берилди. Уларнинг ижросини таъминлаш, олдинга қўйилган аниқ мақсадли натижаларга эришиш нафақат мутасадди вазирлик-идоралар, ҳокимликлар, шу билан бирга, парламент ва халқ депутатлари Кенгашлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Ҳудудлардаги, сайлов округларидаги ўрганишлар жараёнида, назорат-таҳлил тадбирларида мамлакатимиздаги барча депутатлик бирлашмалари фарзандларимизнинг келажаги, ватанимиз истиқболга билан чамбарчас боғлиқ бўлган таълим масаласига бефарқ бўлмастлиги зарур. Чунки мактаб, қайси соҳада фаолият юритмайлик, ҳаммамизга дахлдор масала бўлиб қолаверади.

АЙРИМ ФУҚАРОЛАР ҚАЕРГА МУРОЖААТ ҚИЛИШНИ БИЛМАЙДИ

ДЕПУТАТНИНГ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ УЛАРГА ЯХШИ ИМКОНИАТ



Зухра ШАДИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты, ЎзХДП
фракцияси аъзоси:

— Куни кеча муҳим воқеа — фуқаролар йиғинлари раиси (оқсоқоли) сайлови бошланди. Худудларда жараёнга тайёргарлик кизгин ўтди. Номзодлар ҳам, аҳоли вакиллари ҳам бирдек ҳаяжон ва масъулият билан сайлов кунини кутишганди.

Ҳар бир учрашувда аниқ бир йўналиш, мақсад бўйича ўрганиш олиб боришга ҳаракат қиламиз. Утган галги учрашувларда ҳу-

дудлардаги оилавий шифокорлик пунктлари фаолияти ўрганилган бўлса, бу галги учрашувда Қуйи Чирчик туманидаги “Чақмоқ”, “Хўжа”, “Ойдинобод” ва “Пахтачи” маҳалла фуқаролар йиғинларида жойлашган сайлов участкаларидаги тайёргарлик ҳолати билан танишдик. Сайлов участкаларида умумий тайёргарлик яхши. Одамлар ҳам бўлажак сайловга бефарқ эмас. Маҳалла раислари сайловга кизиқиш катта. Чунки ўзлари сайлаган номзод эртанги кунда уларнинг мурожаатларини эшитувчи, ҳудуддаги масалаларга эътибор қаратувчи шахс бўлади. Шу боис уларда жамиятдаги жараёнларга дахлдорлик кучайган.

Бу галги талаб бўйича маҳалла раиси олий маълумотли бўлиши белгиланган. Маҳалла раисларига қатор ваколатлар берилган. “Маҳалла жамғармаси” ташкил этилган. Ваколатлардан тўғри фойдаланиш, маҳаллага ажратиладиган ёрдамларнинг манзиллигини таъминлаш, албатта, оқсоқоллардан етарли билим ва тажриба талаб этади. Шу боис номзодлар таржимаи ҳоли билан танишдим. Улар олий маълумотли, тажрибали, давлат ташкилотларида ишлаган шахслар эканига гувоҳ бўлдик. Узоқ йиллардан бери халқ ичиди, одамлар орасида юрган, айримлари қайта қўйилаётган номзодлар. Уйлаймизки, сайлов очиклик, шаффофлик тамойиллари асосида ўтади.

Ўрганиш жараёнида бир қатор камчиликлар ҳам аниқланди. Масалан, ишчи гуруҳ аъзоларининг бириктирилган кўчалар бўйича ўтказилган учрашувларининг баённомалари йўқлиги ёки сайловни ўтказишда керакли ҳужжатларнинг тўлиқ эмаслиги маълум бўлди. Уларни бартараф этиш учун тушунтириш ва белгиланган ишчи гуруҳлар фаолиятига тааллуқли тавсиялар берилди.

Учрашув давомида ҳудуддаги мактаблар ҳолати ҳам ўрганилди. 26-мактаб 300 ўринга мўлжалланган бўлиб, ҳозирги кунда ушбу мактабда 525 ўқувчи икки сменада ўқияпти. Мактабда ошхона, фаоллар зали, тўгараклар ўтказиш учун синфхоналарга эҳтиёж бор. 24-мактабда ҳам ошхона, фаоллар, спорт зали мавжуд эмас. Ушбу таълим муассасаларини инвестиция дастурига киритиш учун депутатлик сўрови юбориш режалаштирилди.

Шунингдек, депутат Оққўрғон туманида туман ҳокими ўринбосарлари ва мутасадди ташкилотлар раҳбарлари қабулида ҳам қатнашди. Унда фуқаролар ўзларини ўйлантириб келаётган масалалар билан мурожаат этишди. Уларнинг аксарияти жойида ҳал этилди, баъзи масалалар учун бажариш муддатлари белгиланди.

Хусусан, “Зарафшон” маҳалласида яшовчи 2-гуруҳ ногирони Озода Қурбонова ногиронлик нафақаси олиш, “Зарбдор” маҳалласида яшовчи Дониёр Шарипов стадион куриш, Собир Раҳимов маҳалласида яшовчи Дилдора Холдарова ишлаб чиқариш учун кредит ажратиш, “Толовул” маҳалласида яшовчи Юлдуз Эргашева сув таъминоти масалаларида мурожаат қилишди. Бу масалалар мутасаддилар томонидан жойида ҳал этилди.

Кўпинча ўз жойида ҳал этиладиган масалалар бўйича мутасаддиларни айблаيمиз. Улар нега олдиндан муаммони ўрганишмаган, кизиқишмаган, деймиз. Айрим ҳолларда эса одамлар шахсий масалаларда кимга, қаерга мурожаат қилишни билишмайди, учрашувлар ташкил этилгандагина кўнглидагиларни баён этишади. Шу боис фуқароларни ўз ҳуқуқ ва бурчлари билан янада яхшироқ таништириш керак, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш муҳим, деб ўйлаймиз.



ҲАЁТИДАН

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Пойтахтимиздаги “Илтифот” маҳалла фуқаролар йиғинида халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва Яшнобод туман Кенгаши депутатлари сайловчилар билан учрашув ўтказди. Унда халқ вакиллари билан бирга 28-оилавий поликлиника шифокорлари, маҳалла раислари ҳамда ҳоким ёрдамчилари иштирок этди.

Учрашув давомида “Илтифот”, “Донишманд” ва “Ойдинкўл” маҳалласида яшовчи аҳолининг муаммолари ўрганилди, мурожаатлари тингланди. Соғлиғида муаммоси бор ва даволанишга муҳтожларга ёрдам кўрсатиш бўйича вазифалар белгиланди, тегишли тавсиялар берилди.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши ташаббуси билан Боевут туманидаги “Лайлаккўл” маҳалла фуқаролар йиғинида “Халқ билан мулоқот – муаммоларни самарали ва тезкор ҳал қилиш омили” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда ЎзХДП фаоллари, туман Кенгаши депутатлари, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ва аҳоли вакиллари қатнашди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган тадбирда нафақа пуллари тўланиши, бандликни таъминлаш масалаларидаги 15 дан ортиқ мурожаатнинг 5 таси жойида ҳал этилди. Қолганларини тегишли ташкилотлар ёрдамида ҳал этиш чоралари белгилаб олинди.

Тадбир сўнггида Ўзбекистон ХДПга аъзо бўлиш истиғини билдирган бир гуруҳ фуқароларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Чортоқ туманидаги 52-сонли оилавий поликлиникада “Соғлом аёл керак ҳаётга” лойиҳаси доирасида тиббий кўрик ташкил этилди. Тадбир давомида поликлиника ҳудудида истикомат қилувчи 142 нафар хотин-қиз 5 турдаги тор доирадаги етакчи мутахассислар томонидан тиббий текширувдан ўтказилди. Кўрик давомида турли касалликлар аниқланган аёлларга шифокорлар томонидан тегишли кўрсатма ва тавсиялар берилди.

Хусусан, 90 нафар беморга амбулатор, 5 беморга стационар шароитида даволаниш тавсия қилинди. Стационар шароитда даволаниш тавсия этилган аёлларнинг 6 нафари туман ҳамда 14 нафари вилоят даволаш профилактика муассасаларида муолажа олиши белгиланди. Шунингдек, “Темир дафтар” ва “Аёллар дафтари”да рўйхатда турувчи хотин-қизларни соғломлаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Лойиҳа доирасида поликлиниканинг ўрта тиббиёт ходимларидан 12 нафари Ўзбекистон ХДП сафига аъзоликка қабул қилиниб, уларга аъзолик гувоҳномалари ва эсдалик совғалари топширилди.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

Халқ депутатлари Зомин туман Кенгаши депутати, Ўзбекистон ХДП аъзоси Бегзод Тошпўлатов “Депутат ва ёшлар учрашуви” доирасида туман марказидаги 60-сонли умумтаълим ўрта мактаби битирувчилари билан учрашди.

Депутат битирувчиларни мустақил ҳаётга қадам қўяётганликлари билан табриклаб, уларга ўқиш ва ишларида муваффақият тилади. Шунинг билан бирга, юртимизда ёшларга қаратилаётган эътибор, келажагимиз эгаларининг билим олишлари, ўзларининг қобилият ва истеъдодларини юзага чиқаришлари учун яратилган имконият ва имтиёзлар ҳақида маълумотлар берди.

Мактаб битирувчилари олий ўқув юрларидаги таълим йўналишлари, қабул жараёнлари ҳақида ўзларини қизиқтирган саволлар билан депутатга мурожаат қилиб, атрофлича жавоб олди.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Хива шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолиятини такомиллаштириш” мавзусида амалий семинар ўтказилди.

Унда депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан амалга оширилган ишлар, ўтказилган тадбир ва учрашувларнинг натижадорлиги таҳлил қилинди. Шунингдек, партия гуруҳининг иш режаси, унда белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажариш учун тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш, депутатлик сўровлари жавобсиз қолиб кетмаслиги, ҳар бир мурожаат юзасидан натижага эришиш масалалари муҳокама қилинди.

Семинар-тренинг савол-жавобларга бой тарзда ўтди.


Ўз мухбиримиз.

25 ТА МУРОЖААТ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Анвархон Темиров Косонсой туманида бўлиб, сайловчилар билан мулоқот ўтказди. Мурожаатлар асосида ўрганишлар олиб борди. Учрашувларда аҳоли томонидан 25 дан зиёд масала кўтарилган бўлса, уларнинг 16 таси туман ва вилоят даражасида ҳал этилди. 3 та мурожаат мутасаддиларга йўналтирилиб, ижроси назоратга олинди.

“Учқўрғон” маҳалласининг Қирғизистон билан чегарадош “Дам” кўчасида 56 та хонадон бор. Ҳудудда кўп йиллардан буён ичимлик суви муаммо. Ичимлик суви таъминоти мутасаддилари билан бу масалани бартараф этиш муҳокама этилди. Маҳаллада ҳомийлар жалб этилиб, фермер хўжалиги ери орқали ичимлик суви тармоғи тортиб келиш режалаштирилди, дастлабки ишлар бошланди.

Шунингдек, депутат ташаббуси билан Наманган вилоят Маданият маркази ҳамкорлигида 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан маданий тадбир ташкил этилди. Унда “Шўх қизлар”, “Намунали болалар” рақс жамоаларининг раҳбари Эвелина Гнездилова режиссёрлигида тайёрланган турли хил



сахна кўринишлари, куй-қўшиқ ва рақслар ижро этилди. Хусусан, Фафур Ғулмоннинг “Сен етим эмасан” шеъри асосида тайёрланган сахна кўриниши иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Ўрганишларнинг чинчи куни Анвархон Темиров тумандаги

22-сонли давлат ихтисослаш-тирилган мактаб-интернатида бўлиб, шарт-шароитлар билан танишди. Мактаб жамоаси фаолияти босқичма-босқич тугатилиб, умумтаълим мактабига айлантирилиши режалаштирилган, имкониятларни ино-

батга олиб, муассаса ихтисослаштирилган мактаб сифатида қолдирилишида ёрдам сўралган. Мурожаат асосида Халқ таълими вазирлигига таклиф юбориш режалаштирилди.

Ўз мухбиримиз.

ЁШЛАР ВА НУРОНИЙЛАР УЧРАШУВИ

ЎзХДП вилоят кенгаши ташаббуси билан Навоий шаҳридаги Навоий давлат кончилиги ва технологиялар университети академик лицейининг бир гуруҳ ёшлари билан нурунийлар ва маҳаллий Кенгаш депутатларининг очик мулоқоти ўтказилди. “Ёшлар тарбиясида нурунийларнинг ўрни” мавзусидаги мазкур тадбирда партия фаоллари, академик лицей ўқитувчи ва ўқувчилари, фахрийлар, депутатлар иштирок этди.

Тадбирда Халқ демократик партияси Фахрийлар кенгаши раиси Фотима Ҳикматов ва жорий йил 15 мартдаги “Нурунийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражасини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори ижроси юзасидан юртимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар, ижтимоий соҳа

ҳодимларига кўрсатилаётган эътибор ҳақида сўз юритди. Халқимизда азалий бир гап борлиги, яъни “Қариси бор уйнинг париси бор”, деган сўзлар бежизга айтилмаганлиги, ёшлар хонадониди, маҳалласида, жамоат жойларида, ўқиш жойларида катта ёшдаги инсонларнинг ўғитларига амал қилиб, уларга ҳурмат кўрсатишлари, тажрибаларидан фойдаланишлари зарурлиги таъкидланди.

Навоий вилоят Кенгаши раиси Насиба Содиқова сиёсий партияларнинг жамиятимиз тараққиётидаги ўрни ва роли, хусусан, Халқ демократик партиясининг бугунги кундаги фаолияти ҳақида ёшларга гапириб берди. Уларнинг сиёсий жараёнлардаги иштироки, ҳар жабҳада фаол бўлишлари ва янги ташаббуслар билан юрт юксалишига ҳисса қўшишлари лозимлиги хусусида фикр-мулоҳазаларини баён этди.

17-Баҳор сайлов округи депутати, Навоий давлат кончилиги ва технологиялар университети проректори Насиба Ашурова бугунги кунда 3 миллиондан ортиқ ёки аҳолининг қарийб

9 фоизини нурунийлар ташкил этаётганлиги, кексаларни моддий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳолидан хабар олиб, ҳар куни ғамхўрлик қилиш, эътиборни кучайтириш бўйича маҳалла даражасида тизим яратилаётганлигини қайд этди. Маълумот ўрнида айтиш керакки, 16 мингдан зиёд ўзгалар парваршига муҳтож ва ёлғиз яшовчи кексаларнинг ҳар йили санаторийларда даволаниши ташкил этилади. 25 минг нафар шароити оғир ва кам таъминланган кексаларга дори-дармон, протез-ортопедия мосламалари олиб берилади, жарроҳлик амалиёти учун харажатлар бюджетдан қоплаб берилмоқда. Шунингдек, депутат ёшлар тарбиясида кекса авлод таълимидан кенг фойдаланиш муҳим эканини таъкидлади.

Тадбирда академик лицейнинг иқтидорли ўқувчилари томонидан шеър ва қўшиқлар ижро этилди.

Лола НЕЪМАТОВА,
ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши бўлим бошлиғи.

ХАВАРИНГИЗ БОРМИ?

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

ДЕПУТАТ ЁРДАМЧИСИ

МУҲИМ ВА КЕРАКЛИ ИНСТИТУТ

ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИ ЯНГИЛАШ, РИВОЖЛАНТИРИШ ДЕМАҚДИР. КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗДА БУ БОРАДА ҚАТОР ЧОРА-ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ. 2021 ЙИЛДАН БОШЛАБ ТИЗИМДА ЯНА БИР ЯНГИ ИНСТИТУТ – ДЕПУТАТ ЁРДАМЧИСИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ. ШУ ОРҚАЛИ ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИНИНГ ЭЛЕКТОРАТ БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШГА АСОС ЯРАТИЛДИ.

ДЕПУТАТ ЁРДАМЧИСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, Қонунчилик палатасининг депутатлари сайлов округида ўз вакилига эга. Лекин улар партиянинг тегишли ҳудудий бўлими ходимлари орасидан жамоатчилик асосида тайинланиб, фаолият юритиши сабабли улар асосан сиёсий партия ишлари билан банд бўлиб қолмоқда ва бунинг натижасида депутатлар фаолиятига кўмаклашиш имконияти чекланмоқда.

Бундан ташқари, депутат вакили институтининг фаолияти ўрганилганда, қонун ҳужжатларида унинг ҳуқуқий мақоми, унга қўйиладиган талаблар, уни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш тартиби, депутат вакили фаолиятини молиялаштириш масалалари аниқ белгиланмаганлиги маълум бўлди. Бу бўшлиқни тўлдирishi мақсадида 2021 йил 15 октябрда қучга кирган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенат аъзосининг мақоми тўғрисида»ги қонун депутат ёрдамчиси тўғрисидаги модда билан тўлдирилди.

Унда белгиланишича, депутат ўзини депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия билан алоқасини сақлаб туриш ҳамда ўз сайлов округидаги фаолиятини самарали ташкил этиш учун ёрдамчига эга бўлишга ҳақлидир. Шу муносабат билан 1996 йилдаги «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонундан Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг вакили тўғрисидаги модда чиқариб ташланди.

ДЕПУТАТ ЁРДАМЧИСИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Ўрганилган таҳлиллар асосида замонавий жамиятда депутат ёрдамчиси парламент ва депутат фаолиятини тартибга солишчи қонунчиликдан тўлиқ хабардор бўлиши, ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш, уни юритиш этикаси, унинг сиёсий ва ҳуқуқий асосларини тўлиқ ва аниқ тарзда билиши зарур.

Жамоа ва фуқаролар билан муомала қилиш маданияти ва психологик ёндашув уларнинг асосий қуроли бўлиши керак. Чунки у депутатнинг юзи. Ёрдамчи қачонки сайловчиларни ҳушмуомала билан қабул қилар экан, уларни тинглай билар экан, аҳоли унга, шу орқали депутатга ишонади, суянади, қўллаб-қувватлайди.

Ҳудуднинг географик жиҳатларини тўлиқ билиши депутат ёрдамчисига одамлар орасида бўлиш, кези келганда, уйма-уй, хонадонмахонадон юриб аҳолини ўйлантираётган масалалардан яхши хабардор бўлишига хизмат қилади.

Ижтимоий-сиёсий жараёнлардан тўлиқ хабардорлик уларга учрашувлар, семинар ҳамда қабуллар ташкил этиш ва уларни ўтказишда жуда қўл келади. Қолаверса, аҳоли мурожаатларини ҳал этиш, жамиятдаги янгилик ва ўзгаришларни уларга етказиш депутат ёрдамчиларидан билим ва тажриба талаб этади.

Депутатнинг ижтимоий тармоқлар (telegram, facebook, instagram)даги шахсий саҳифаси ва блогини тўғри, аниқ, PR-технологиялардан фойдаланган ҳолда юрита олиши ёрдамчига қўйиладиган яна бир асосий талаблардан бири ҳисобланади.

Депутат ёрдамчисининг вазифалари нималардан иборат?

✓ депутатнинг уни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия, унинг тегишли сайлов округидаги ҳудудий бўлими ҳамда сайловчилар билан самарали алоқа ўрнатишига кўмаклашади;

✓ сайлов округида жисмоний ва юридик шахслардан депутат номига келиб тушган мурожаатларни рўйхатга олади ва бу ҳақда депутатни хабардор қилади;

✓ жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини депутат томонидан қабул қилинишига, шунингдек, депутатнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга кўмаклашади;

✓ сайлов округи ҳудудида депутатнинг ваколатларини амалга ошириш билан боғлиқ ишларни депутатнинг топшириғига кўра ташкил этади;

✓ округ сайловчиларини депутатнинг фаолияти тўғрисида хабардор қилади;



✓ депутатнинг мурожаатлари, сўровларини тайёрлаш ҳамда сайлов округида депутат томонидан жисмоний ва юридик шахслардан олинган мурожаатлар кўриб чиқилишида иштирок этади, мурожаатларда баён этилган масалаларни ўрганади;

✓ депутатнинг ўз ваколатларини амалга оширишга доир бошқа топшириқларини бажаради.

Шунингдек, депутат ёрдамчиси округ сайловчиларини Қонунчилик палатаси депутатининг фаолияти тўғрисида, депутатни эса сайлов округи ҳудудида юз бераётган воқеалар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар тўғрисида хабардор қилиб боради, депутатнинг ўз ваколатларини амалга ошириши учун зарур бўлган ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлайди.

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

Депутат ёрдамчиси жаҳон парламентаризми тизимида кенг оммалашаётган сиёсий институт сифатида ўзига хос ўринга эга. Бу дунёнинг ривожланган мамлакатлари, аввало, ўзининг сиёсий давлатчилик муносабатлари, иккинчидан, парламент билан боғлиқ фаолиятида алоҳида аҳамият касб этади.

Маълумотларга кўра, депутат ёрдамчиси хорижий тажрибада кўп ҳолларда "Assistent of Deputy" (AD) номи билан қўлланилади. Шимолӣ Европа давлатлари, Австрия, Чехия, Словакия, Швейцария, Бразилия каби мамлакатларда исм-шарифи партия рўйхатида сайланган депутатлар номидан кейин келган номзодлар депутат ёрдамчилари бўла олишади.

Депутат ёрдамчиси бошқарув соҳасида фаол фуқаролик, профессионалик ва сиёсий жиҳатларга эга бўлиши алоҳида ажратиб кўрсатилади. Депутат ёрдамчиси географик ҳудуд ва аҳоли сонига қараб белгиланиб, ҳар бир депутат учун 2 тадан 6 тагача жорий этилган. Дунёнинг ривожланган мамлакатлари, жумладан, Россия, Япония, Финляндия, Дания, Норвегия, Буюк Британия, Италия каби мамлакатларда нафақат парламент депутатининг, балки маҳаллий кенгаш депутатларининг ҳам ўз ёрдамчилари мавжуд.

Дания, Буюк Британия, Финляндия, Литва, Латвия, Аргентина, Россия мамлакатлари парламентлари тизимида депутат ёрдамчиси институти мавжуд. Унинг фаолияти масалан, Россия Федерациясида 1994 йил 8 майда қабул қилинган "Россия Федерацияси сенатори мақоми ва Россия Федерацияси Федерал Мажлисининг Давлат Думаси депутати мақоми тўғрисида"ги Қонун билан тартибга солинади.

Швеция, Испания ва Португалияда депутат ёрдамчиси фракция томонидан белгиланади. Финляндияда депутат ёрдамчисининг асосий вазифаси сифатида депутатнинг давра суҳбатларини ташкил этиш, қонун ижодкорлиги бўйича электорат билан учрашувга асосий жавобгарлик, ОАВ билан учрашувларни ташкиллаштириш ва умумий ҳисобда котиблик вазифасини бажариш, депутатнинг фаолиятини ижтимоий тармоқларда ёритиш қабиладар белгиланган. Депутат ёрдамчисининг вазифалари халқаро қонунчиликда депутатнинг қонун доирасида белгиланган вазифалари билан тўлиқ мос келиши лозимлиги кўрсатилган.

ДЕПУТАТ ЁРДАМЧИЛАРИ НИМА ДЕЙДИ?

– Депутат ёрдамчиси лавозими жорий этилганлиги, аввало, депутатнинг сайлов округида иш олиб бориши ва аҳоли билан кўпроқ мулоқот қилиши, учрашувлар ўтказиши, мурожаатларини қабул қилиш ва муаммолар ечимини топишда муҳим аҳамият касб этади, – дейди **Олий Мажлиси Қонунчилик**

палатасига 84-Денов сайлов округидан сайланган депутат Фирдавс Шарипов ёрдамчиси Ҳасан Мирзаев. – Зеро, депутат ойда бир маротаба, баъзида ундан узоқ вақт давомида сайлов округига келади. Депутат ёрдамчиси эса ҳудудда доимий фаолият олиб борган ҳолда депутат ва сайловчилар ўртасидаги "кўприк" ҳисобланади. Ҳудуддаги ҳақиқий вазият, воқеа ва ҳодисалар билан депутатни доимий хабардор қилиб боради. Ўзим ҳам деярли ҳар куни Фирдавс Шарипов билан телефон орқали боғланаман. Кўрсатмалар оламан, маълумотлар тақдим этаман.

Депутатга жорий йил январь ойидан буён 19 та маҳаллада ўтказилган очиқ оммавий сайёр қабулларда 120 та мурожаат келиб тушган бўлиб, 21 таси жойида ҳал этилган. Муддат талаб этиладиган масалалар тегишли мутасаддиларга йўналтирилган ҳолда назоратга олиниб, қонуний ечим топишмоқда. Айтиш керакки, аксарият мурожаатлар туман даражасидаги масалалар. Хусусан, 102 та муаммо туманда ҳал этиладиган бўлса, 16 таси вилоят ва 2 таси республика даражасида кўриб чиқиладиган масалалар ҳисобланади.

Депутатнинг ҳар бир учрашувидан сўнг мурожаатлар таҳлил қилинади, расмийлаштирилиб, тегишлилиги бўйича туман ҳокимлиги ва мутасадди ташкилотларга йўналтирилиб, депутатлик назоратига олинади. Мурожаатлар ечим топишида депутат ёрдамчиси масъулият билан ёндашиши, унинг натижаси бўйича керак бўлса жавобгар бўлиши, кунлик изланишда, ўз устида ишлаши зарур.

– Депутат ёрдамчиси "парламент–депутат–халқ" ўзаро муносабатларининг асосий мурвати ҳисобланади, – дейди **90-«Бўстонлик» сайлов округидан Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутат Қизилгул Қосимова ёрдамчиси Айтбай Тўрабеков.** – Чунки депутат ёрдамчиси жойларда аҳоли билан мулоқотнинг доимий ва жонли вакили сифатида депутатга мурожаатлар ижобий ҳал этилишида асосий кўмакчи ҳисобланади. Депутат сайлов округига Бўстонлик тумани ва Юқори Чирчиқ туманининг бир қисми қиради. Мазкур округда Бўстонлик туманининг аҳоли сони 163000, маҳаллалар сони 59 та ва Юқори Чирчиқ туманидаги 24 маҳаллада 40000 нафарга яқин сайловчи мавжуд.

Учрашувлардан олдин ва ҳар чоракда туман бўйича таҳлилий маълумотлар тайёрлаб, депутатга тақдим этаман. Бундан ташқари, туманда ўтказилаётган муҳим тадбирлар, туман Кенгаши сессиялари, ҳокимлик соатларида қатнашиб, қабул қилинган қарорлар ва бошқа масалалар юзасидан депутатни хабардор қиламан. Ҳар куни эрталаб депутат билан кунлик режамиз бўйича келишиб оламан, озғакчи ва ёзма топшириқлар оламан ва кечги вақтда олиб борилган ва бажарилган ишлар бўйича маълумот тақдим этиб бораман.

Депутатга тушаётган мурожаатларнинг 80-90 фоизи туман, 5-10 фоизи вилоят ва 1-2 масала республика миқёсида ҳал этиладиган масалалар ҳисобланади. Биз жорий йилдан бошлаб депутат учрашуви ва қабулини туман Кенгаши депутати, туман ҳокими ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли ва ёшларни қўллаб-қувватлаш раҳбарлари иштирокида ўтказишни йўлга қўйдик. Натижада кўтарилган масалалар ижросини таъминлаш бўйича мутасаддиларга тавсиялар берилиб, уни назорат олиш маҳаллий Кенгаш депутатларига юклатилмоқда. Айтиш керакки, бу тажриба бугун ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Қизилгул Қосимова ҳар гал учрашув, қабулдан сўнг туман ҳокими билан учрашиб,

мурожаатлар бўйича маслаҳатлашиб олади. Натижада кўплаб масалалар ўз ечимини топиб келаяпти. Хусусан, «Қорабой» оилавий шифохона биносини янгидан қуриш 2023 йил Давлат дастурига киритилди. «Чинор» маҳалласини табиий газ билан газлаштириш ишлари бошланиш арафасида. Албатта, халқ билан депутат орасидаги муносабатлар депутат ёрдамчилари иштирокида янада мустаҳкам бўлади.

– Сайловчилар турли географик ҳудудларда истқомат қилади, уларнинг анъана ва қадриятлари ҳам турлича. Аҳоли сони ҳам жойларда бир-бирдан кескин фарқ қилади. Шу боис, депутат ёрдамчиси институти ҳудуддан сайланган депутат фаолияти самардорлигини оширишда муҳим роль ўйнайди, – дейди **83-Олтинсой сайлов округидан Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутат Ойбарчин Абдуллаева ёрдамчиси Намоз Эшниязов.** – Биринчидан, депутат сайлов округига ҳар доим ҳам кела олмади, бир ойда бир марта белгиланган вақтда келади. Иккинчидан, ана шу 2-3 кунлик вақт оралиғида аҳолининг ҳаммаси билан ҳам кўришиш, учрашиш имконияти бўлмайди. Депутат ёрдамчилари эса ҳамisha одамлар орасида бўлиб, уларни ўйлантираётган, ташвишга солаётган масалалардан депутатни доим хабардор қилиб туради.

Биз ҳудудни яхши билишимиз, яъни қаерда йўл масаласи қийинроқ, қаерда сув таъминотида камчиликлар кузатиляпти, қайси маҳаллага мактаб, боғча кераклигини ўрганиб боришимиз, депутат билан биргаликда, мутасаддиларга уларнинг ечими бўйича таклифлар билан чиқишимиз зарур. Шу билан бирга, депутат ёрдамчиси оддий одамлардан тортиб, юқори ташкилот раҳбарлари билан ҳам муомала қила олиши, мурожаатчиларга эътиборли бўлиб, уларни тушуниб, тинглай билиши лозим. Шундагина халқ уларга, шу орқали депутатга ишонади, суянади.

– Кейинги йилларда юртимизда, маҳалламиз, умуман, ҳаётимизда ўзгаришлар катта, яхшиликлар, янгиликлар кўп. Қишлоқ врачлик пунктлари, маданият ва спорт иншоотлари, оилавий корхоналар ташкил этилаётгани, ҳар бир фуқаро маҳалла ёки фарзандлари таълим олаётган муассасани обод этишга ҳисса қўшишга интиляётгани қувонарли, – дейди **37-Шароф Рашидов сайлов округидан Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутат Ўрол Ўрозбоев ёрдамчиси Даврон Эргашев.** – Албатта, бу каби ўзгаришлар, ислохотлар самараси кўп жиҳатдан биз ёрдамчилар ва депутатларга бевосита боғлиқ. Депутат ҳудудларга келар экан, одамларнинг турмуши билан яқиндан танишади, мурожаатларда кўтарилган масалаларга эътибор қаратади.

Ўрол Ўрозбоев бу галги учрашувлар давомида «Сарайлик», «Яхтанлик», «Эски тошкентлик», «Тараққиёт», «Зиёкор», «Соғунгарлик», «Жиззахлик» ва «Хавастлик» маҳаллаларида хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Ҳудудлардаги умумтаълим мактаблари, туман тиббиёт бирлашмасига қарашли оилавий поликлиникалар фаолияти ўрганилди.

Мулоқотда 130 нафардан ортиқ фуқаро билан суҳбат ўтказилиб, турли назмундаги 85 та мурожаат қабул қилинди. Шулардан 5 таси республика, 10 таси вилоят ҳамда 15 таси туман миқёсида ҳал этиладиган масалалардир. Бундан ташқари, ички йўллари таъмирлаш, ичимлик суви таъминоти, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг соғлиғини тиклаш, даволанишида ёрдам бериш, уй-жой қадестири, аукцион орқали олган ерларни ажратиб бериш бўйича мурожаатлар қабул қилинди. Уларга туман ҳокимининг ўринбосарлари, ташкилот, корхона раҳбарлари томонидан муносабат билдирилди.

Еш бўлсам-да, депутатга яқин кўмакчи бўлишга ҳаракат қиламан, билмаганларимни ўрганаман. Ҳудудларда аҳоли билан мулоқот давомида аниқланган масалаларни депутатга ўз вақтида етказишга ҳаракат қиламан. Депутат билан бирга каттаю кичикча бирдек эътиборли бўлиб, ҳудудий, шахсий муаммоларни ҳал этишга ёрдамлашамиз. Аввалига бундай масъулиятли вазифадан чўчиганман, одамлар билан қандай ишлайман, уларнинг ишончини қандай оқлайман, деган хавотирлар ўтган. Бугун бироз бўлса-да, тажриба орттирдим, сайловчиларни қайси жойда қандай масалалар қийнаётгани, кимга қандай ёрдам зарурлигини билишга ҳаракат қиламан. Умуман олганда, депутат ёрдамчиси чин маънода халқ ва парламент ўртасидаги кўприк ҳисобланади. Унинг мустаҳкам бўлиши эса биз ёрдамчилар фаолиятига боғлиқ.

Ҳақиқатан ҳам, депутат ёрдамчиси институти – жойларда аҳоли турмуш тарзига яқин бўлиш, ижтимоий муаммоларни ўз вақтида аналлаш ва қонуний ечим топиш билан бирга, мамлакатда давлат ҳокимияти ва халқ ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашда ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Гулруҳ ОДАШБОВА,
"Ўзбекистон ovozi" муҳбири.

t.me/uzbekiston_ovozi | facebook.com/uzbekistonovozi | instagram.com/uzbekiston_ovozi | info@uzbovozi.uz | www.uzbovozi.uz

КЕШБЭК

ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТДАН

ҚУТҚАРАДИМИ?



ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 1 ЯНВАРИДАН БОШЛАБ ХАРИД ЧЕКИНИ «SOLIQ» МОБИЛЬ ИЛОВАСИДАН РЎХАТДАН ЎТКАЗГАН ФУҚАРОГА ХАРИД СУММАСИНИНГ 1 ФОИЗИ ҚАЙТАРИЛА БОШЛАДИ. БУНДАН ТАШҚАРИ, ХАРИД ЧЕКИДА СИЗ СОТИБ ОЛГАН МАҲСУЛОТЛАРИНГИЗНИНГ РЎХАТИ БЎЛИШИ КЕРАК. ТЕЗ ОРАДА ОДАМЛАР ҚАЙСИ ХАРИД ЧЕКИ ҲАҚИҚИЙ ҲИСОБЛАНАДИ, ХАРИД ЧЕКИНИ РЎХАТДАН ЎТКАЗИШ ВА КЕШБЭКНИ БАНК КАРТАСИГА ТУШИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАРНИ ЎРГАНИБ ОЛДИ.

Бундан ташқари, Президент қарорига мувофиқ, 1 январдан бошлаб, рақамли маркировкаланган маҳсулотлар чакана савдосини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари учун онлайн-НКМ ва виртуал кассага уланган, штрих-кодлар ва рақамли маркировка кодларини тўғри ўқишни ва аниқлашни таъминловчи маҳсул қурилмалардан (2D-сканерлар, маълумотларни йиғувчи терминаллар ёки бошқа турдаги маҳсул қурилмалар) мажбурий фойдаланиш талаби ўрнатилган.

Солиққа оид ҳуқуқбузарлик тўғрисида солиқ органларига маҳсул дастур орқали хабар берган жисмоний шахсларга, ҳуқуқбузарлардан ундирилган жарима суммаси ҳисобидан қонунчилик ҳужжатларида назорат-касса техникасини ва ҳисоб-китоб терминалларини қўллаш тартибининг бузилиши бўйича белгиланган жариманинг 20 фоизи миқдорда мукофот тўланади. Мукофот фуқаронинг банк картасига ўтказиб берилади. Ўтган вақт давомида ушбу тизим қандай ишляпти? Бюджет тушумида ўзгаришлар кузатилдими?

МУТАХАССИС НИМА ДЕЙДИ?

Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати берган маълумотларга қўра, татбиқ этилган “кешбэк” ва “солиқ ҳамкор” тизимлари кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотган. Жисмоний шахсларга харид суммасидан 1 фоизни қайтариш (кешбэк) амалиётининг жорий этилиши савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида жамоатчилик назоратини мустаҳкамлаб, яширин иқтисодиётни қисқартиришда муҳим аҳамият касб этади.

Истеъмолчилар бугунги кунга қадар 19,5 миллионга чекни рўйхатдан ўтказган. Уларнинг умумий харид суммаси 17,3 триллион сўмдан зиёд. Ушбу чекларга 173,7 миллиард сўм кешбэк ҳисобланган. Йил бошидан бугунги кунгача истеъмолчиларга 72,5 миллиард сўм кешбек тўланган бўлса, апрель ойида 427 минг нафар фойдаланувчи томонидан шакллантирилган 67,0 миллиард сўм 25 май санасига тўлаб берилди.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳалол тадбиркорлик учун тенг рақобат шароитларини яратиш, инсофли тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, яширин иқтисодиёт улуши-

Баъзи юртдошларимиз чек сўраганини кўряпман. Айрим ҳолларда уларнинг талаби қондирилмаяпти. Қарабсизки, дарҳол ариза юборяпти. Лекин чекни ўзи олмай туриб, “ҳуқуқим бузилди”, деб мурожаат йўллаётган айрим кимсаларни қоралайман. Ўзим ҳам шахсан бир нечтасига гувоҳ бўлдим. Менимча, бу тизимни яна бир кўриб чиқиш ёки назоратни кучайтириш лозим.

ни қисқартиришга қаратилган чоралардан яна бири солиқ органларига солиқ ҳуқуқбузарликларига ҳақида хабар берган жисмоний шахсларни мукофотлаш амалиётидир.

Фуқаролар 2022 йил 1 январдан бошлаб “Soliq hamkor” тизими орқали ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берганда ундирилган жариманинг 20 фоизи миқдорда мукофотланмоқда. Яъни, назорат-касса техникаси ва тўлов терминалларини қўллаш тартиби бузилса, ноқонуний тадбиркорлик фаолияти ёки тўлов терминаллари орқали сотиладиган товарларнинг нархини сунъий ошириш ҳолатлари кузатилса ариза юборилади. Мурожаатни ўрганиб чиқиб, белгиланган миқдорда чора кўрилмақда.

Бугунги кунга қадар, 11400 нафардан зиёд фуқаро томонидан “Soliq hamkor” орқали 56293 та мурожаат йўланган. Шундан 53858 таси (92 фоизи) чек бермаслик ҳолатига тегишли. Банк пластик картаси орқали тўловни қабул қилишни рад этиш бўйича 2079 та, пластик картага маҳсулот нархини қимматроқ сотиш бўйича 231 та мурожаат тушган. Яна 2243 таси бошқа турдаги солиқ ҳуқуқбузарликлари юзасидан юборилган.

Айни пайтга қадар мурожаатларнинг 29925 таси ўрганилган ва уларнинг 97 фоизи ёки 29074 таси ўз тасдиғини топган. 851 та мурожаатда қайд этилган ҳуқуқбузарлик тасдиқланмаган. “Soliq hamkor” орқали мурожаат юборилган 11803 ҳолат бўйича фуқароларга 6,8 миллиард сўм мукофот тўлаб берилган.

Юқорида қайд этилган тадбирлар ўз натижасида маҳаллий бюджетлар даромадини сезиларли даражада ошишига сабаб бўлиб, I чорақда айланмадан олинадиган солиқ тушумлари 622,4 миллиард сўмни ташкил этди ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,3 бараварга, Фарғонада 1,7 ва Хоразмда 1,5 бараварга ошди.

“АНЪАНА” КЕШБЭКДА ҲАМ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Харид суммасининг 1 фоизини қайтариб олиш имконини берадиган харид чек онлайн назорат-касса машинаси ёки виртуал кассалардан чиқарилган фискал белгили матрицали штрих код (QR-код)га эга бўлиши керак. Бу ҳақида ҳамма юртдошимиз биладими? Марказий шахарлардан ташқарида аҳоли қандай?

Дилноза ЙЎЛДОШЕВА, (Андижон):

— Бизнинг қишлоқда QR кодли чек бериш у ёқда турсин, оддий чеклар ҳам берилмайди. Аввало, сотувчилар харид чекини ўзлари бериши керак. Акс ҳолда, харидор талаб қилишга ҳақли. Бироқ одамларнинг ўзлари бу масалага бепарво. Шу сабабли муддати ўтган ёки сифатсиз маҳсулот сотиб олганда буни исбот қилиб бера олмайди.

Пойтахтда яшайдиган жияним ойлик харидларнинг бир фоизи харидорга қайтарилишини айтгандан кейин чек сўрай бошладим. Шунда ҳам чеклар кодли бўлиши кераклигини билмагандим. Чекларни расмга олиб, жиянимга юборгандим. Андижон шаҳридан китоб сотиб олган эканман, 2021 йилнинг декабрь ойида. Шуларда штрих код бор эди. Бошқалари оддий чеклар. Фақат шундагина QR код бўлиши кераклигини билдим. Қандай қилиб рўйхатдан ўтказишни ҳам сўраб олдим. Лекин қишлоғимизда ҳали бирор бир дўконда бундай чек берилмади. Мен ҳам сўрамайман.

Чингиз НОРКУЛОВ, (Самарқанд):

— “Soliq hamkor” тизими ҳақида эшитганман. Аввалаги шов-шув бўлди. Кейинчалик “фоизи жуда кам экан”, деб одамлар қизиқиш билдирмади. Харидор ўзи чекни талаб қилмагандан кейин сотувчи ҳам эътибор бермайди. Чунки қанча кам чек берилса, шунча кам солиқ тўлашни у жуда ахши билади. Фуқаролар эса бундан беҳабар.

Шундай бўлса ҳам, баъзи юртдошларимиз чек сўраганини кўряпман. Айрим ҳолларда уларнинг талаби қондирилмаяпти. Қарабсизки, дарҳол ариза юборяпти. Лекин чекни ўзи олмай туриб, “ҳуқуқим бузилди”, деб мурожаат йўллаётган айрим кимсаларни қоралайман. Ўзим ҳам шахсан бир нечтасига гувоҳ бўлдим. Менимча, бу тизимни яна бир кўриб чиқиш ёки назоратни кучайтириш лозим.

Қаҳрамон МЎМИНОВ, (Сурхондарё):

— Музрабод туманида яшаймиз. Ҳеч унақа чек ҳақида эшитмаган эканман. Туманимизда ҳам, қишлоғимизда ҳам кодли чек у ёқда турсин, оддий чек ҳам берилмайди. Одамлар ҳам сўрамайди. Сотувчи ўзи инсоф қилиб, чек узатса, қайтармаймиз, албатта. Лекин қишлоқнинг содда одамлари сўраб олишга одатланмаган.

Ёлғон бўлмасин, бир-икки марта телевидорда кўзим тушди. Қанақадир солиқдаги янгиликлар ҳақида гапиришди. Қандайдир чекни талаб қилиш, бермас, қайсидир рақамларга мурожаат қилиб, ҳолатни билдириш ҳақида тушунтирди. У қадар эътибор қаратмадим. Бу ҳам кимнинг манфаатигадир-да, деган хаёлга бордим. Давлат учун бўлса, албатта, сўраш керак, бепарқ бўлмаслик керак.

ИЛТИМОС, ЧЕКИНГИЗНИ ОЛИНГ! БЕКЗОД АЛИЕВ, сотувчи (Тошкент):

— Айрим харидорлар чек чиқарганимизча кутиб турмайди. Нарсаларни олади-да, тез кетворади. Шахсан бизга харидорларнинг чеки керак эмас. Шу сабабли оғоҳлантирувчи ёзувлар ҳам илиб қўйганмиз. Чунки айрим виждонсиз кишилар чекни олмай чиқиб кетади-да, солиқ иловасига устимиздан арз қилади. Чек берилмаганда дўкон эгалари катта миқдорда жаримага тортилиши ва сумманинг 20 фоизи мурожаат эгасига берилиши белгиланган. Бу эса айрим шахсларга қўл келиб, йўқ ердан катта-катта жарима тўлашимизга тўғри келяпти. Касса аппаратуримизга киритилган, чек чиқарилган. Шунда ҳам биз жавобгар, биз ноҳақ бўлиб қоляпмиз.

МУНОСАБАТ

ЭЪТИБОРГА МУНОСИБ БЎЛИШИМИЗ ЗАРУР

Жорий йил 11 май кuni Президентимиз “2022-2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги фармон ва “Халқ таълимини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорни имзолади. Мазкур ҳужжатлар асосида халқ таълими тизимида янги 5 йилликда амалга ошириладиган улкан ислохотлар режаси белгиланди.

Хусусан, халқ таълими соҳасида кейинги беш йилда 1,9 миллионга ўқувчи ўрни яратиш, таълимда замонавий методикаларга ўтиш, битирувчилар аттестациясини Давлат тест марказига ўтказиш, ўқитувчилар савиясига талабларни кучайтириш, мактабларга қисман молиявий ва академик мустақиллик бериш, мактабларни аккредитациялаш, директорларни сертификациялаш, болаларни касбга йўналтириш ва бошқа ўзгаришларни амалга ошириш режалаштирилмоқда. Шу билан бирга, мутахассисларга бир қатор имтиёзлар берилиши ҳам кўзда тутилган. Бундай имкониятлар биз ўқитувчиларни ўз устимизда тинимсиз ишлаш, малакамизни мунтазам ошириб боришни талаб этади.

Мактабларда интернет сифати ва тезлиги бизни узок вақтдан буён ўйлантриб келаётган масалалардан бири эди. Ўқитувчилар интерактив усуллар ва замонавий ахборот коммуникация воситаларидан фойдаланган ҳолда, ўқув машғулотларини янада қизиқарли қилиб ўтказишни хошлашди. Бунда, албатта, интернет сифати катта аҳамиятга эга.

Дилдора МАҲМУДОВА, сотувчи (Тошкент):

— Дўконда оилавий ишлаймиз. Акам, опам, баъзан онам ҳам кассада ўтиради. Тўғриси айтсам, кодли чек берадиган аппаратни ишла-тиш тизими бироз мураккаб. Ёшлар буни эплэй-миз, лекин катталар тушунмайди. Агар шунақа пайтда ҳақини талаб қиладиган харидор келиб қолса, тушунмовчилик бўлади. Онам тушунмас-лигини айтса, мижоз баҳона, деб қабул қилади. Дарров солиқ иловасига ариза беради. Қараб-сизки, жаримага тортиламиз.

Кўпчилик кодли чек сўрамай қўйди. Биз ўзимиз чек керакми, деб сўраймиз. Чунки йирик супермаркетлардан фарқли равишда бизда дў-кондаги хар бир маҳсулотнинг номи, нархи қў-да киритилади ва чек беришда ҳам шу тариқа қидириб топишимизга тўғри келади. Бу бироз вақт олади. Одамлар эса кутишни истамайди. Бир-икки марта шунақа бўлгач, чек сўрамай ҳам қўйишади ёки кутишни истамаган одам ҳам устимиздан арз қилади. Демак, яна жарима.

РЕЖАЛАР ҲАМ БОР

Маълум бўлишича, сервис соҳасида яши-рин иқтисодиёт улушини қисқартириш бўйича амалий чора-тадбирлар дастури лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Чора-тадбирларда сервис соҳасидаги рақобат муҳитини бузадиган им-тиёзлар, эксклюзив ҳуқуқлар бекор қилиниши, жисмоний шахслар фаолияти легаллаштири-лиши (1 млн.дан ортиқ), логистика соҳаси, божхона брокерлари фаолияти, курьерлик ва риэлторлик хизматлари тартибга солиниши белгиланган.

Шунингдек, сервис соҳасида фаолият юри-таётган, 2021 йил учун “Ноль” ҳисобот топшир-ган 6 мингга қўшилган қиймат солиғи тўловчи-лар фаолияти ўрганилади ва кўмак берилади. Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қарор билан жорий этилган имкониятларни тад-биркорларга етказиш орқали норасмий ишчилар расмий фаолиятга ўтказилади.

Айтиш керакки, 2022 йил 1 апрелдан 2025 йил 1 январга қадар чакана савдо ва умумий ов-қатланиш, меҳмонхона (жойлаштириш) хизмат-лари, автотранспортда йўловчи ва юк ташиш, транспорт воситаларини таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш, компьютер хизматлари, маиший техникани таъмирлаш ҳамда кўнгилчолар масканларда хизматлар кўрсатувчи тадбиркор-лик субъектлари учун ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз этиб белгиланган.

ДЕМАК...

Кичик ўрганишларга қараганда, “Soliq hamkor” тизими республикамизнинг барча ҳу-дудиди ҳам бирдек омалашмаган. Ушбу илова асосан марказий шаҳарларда қўлланилаётгани инобатга олинса, имкониятларни янада кен-гайтириш ҳамда бюджет тушумини ошириш мумкин. Ана шунда яширин иқтисодиёт кўрсат-кичларини бироз бўлса-да камайтиришга ҳисса қўшилган бўларди. Зеро, халқаро консалтинг компаниялари билан ҳамкорликда аниқлаши-шича, Ўзбекистонда яширин иқтисодиёт кўрсат-кичи 48 фоиздан 62 фоизгача экан. Бу ҳақида жорий йил февраль ойида АОКАда бўлиб ўтган брифингга таъкидланган эди. 2021 йил учун бу борадаги аниқ рақам очикланмаган бўлса-да, ҳануз кескин ўзгариш бўлганига умид йўқ.

Яна бир масалани унутмаслик керак. Ак-сарият фуқаролар пластик картадан савдо қилади. Ундан ечилган пул ҳақида чек бери-лади. Кўпчилик шу чекни харид чеки билан адаштириши мумкин. Шу сабабли ҳам талаб қилмайди. Сотувчилар учун эса бу қўл келади. Баҳона тайёр: “ўзи сўрамади-ку”. Яширин иқти-содиётга барҳам беришнинг ҳар қандай усули маъқул. Бунда эса одамлар фаолроқ бўлиши, ҳақини ноҳақдан ажрата олиши, ҳуқуқини талаб қила олиши зарур.

Ҳалолдан бўлсин!

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, “Ўзбекистон овози” муҳбири.

Шаҳноза ТЎХТАЕВА, Янгиҳаёт туманидаги 32-сонли умумтаълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси.

AJIB DUNYO

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

**НАТОнинг КЕНГАЙИШИ**

11 май куни Буюк Британия Бош вазири Борис Жонсон Швеция ва Финляндия давлатларига ташриф буюриб, иккала давлат раҳбарлари билан ўзаро хавфсизлик кафолатларини имзолади.

Узоқ йиллар давомида бетарафлик мақомида бўлиб келган Финляндия ва Швеция НАТОга қўшилиш ҳаракатига тушди.

Жорий йилнинг 12 май куни Финляндия Президенти ва Бош вазири мамлакат НАТОга қўшилишни қўллаб-қувватлаши маълум бўлди. НАТО ҳам бу давлатни ортқиқча жараёнларсиз ташкилотга олишга тайёрлиги билдирилди.

Расмий Кремль эса Финляндия НАТОга қўшилса, Россия жавоб чораларини қўришга мажбур бўлишни эълон қилди.

"Финляндиянинг НАТОга қўшилиши Шимолий Европа минтақасида барқарорлик ва хавфсизликни сақлашга ҳамда Россия – Финляндия икки томонлама муносабатларига жиддий зарар етказмади. Россия ўз миллий хавфсизлигига бу борада юзага келадиган таҳдидларни тўхтатиш учун ҳар қандай характердаги жавоб чораларини қўришга мажбур бўлади", дейилади Россия ТИВ баёнотида.

16 май куни Москва шаҳрида бўлиб ўтган КХШТга аъзо давлат етакчиларининг учрашувида эса Россия етакчиси Финляндиянинг НАТОга аъзоликка кириши Россия учун хавф эмаслигини, лекин

Финляндия ҳарбий тузилмаларининг кенгайиши эса хавф бўлишини таъкидлади.

"Афтонбладет" нашрининг хабар беришича, Швеция ташқи ишлар вазири Анн Линде НАТОга аъзо бўлиш тўғрисидаги аризани имзолади.

Линденинг таъкидлашича, Швециянинг НАТОга аъзо бўлиш учун аризаси Финляндия аризаси билан бирга тақдим этилади. Алянсга қўшилиш жараёни тахминан бир йил давом этиши мумкин.

АҚШ МАРКАЗИЙ ОСИЁ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРМОҚЧИ

Америка Қўшма Штатлари Марказий Осий давлатлари билан ҳамкорликни ривожлантиришга умид қилмоқда ва уларнинг суверенитети ва иқтисодий салоҳиятини мустақиллаш-қувватлаш ниятида. Бу ҳақда Ашхобода бўлиб ўтган брифингда АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осий бўйича ёрдамчисининг биринчи ўринбосари Дин Томпсон шундай деган: "Биз Марказий Осийдаги ҳамкорлик билан ушбу мураккаб, тарихий даврда турли муҳим масалалар бўйича ҳамкорликда иш олиб боришга умид қиламиз. Бу ишда Қўшма Штатлар Марказий Осий давлатларининг мустақиллик, суверенитет ва ҳудудий яхлитлигини мустаҳкамлаш, улкан иқтисодий ва тижорат салоҳиятини рўйбга чиқаришда қўллаб-қувватлашни мақсад қилган".

Томпсоннинг айтишича, у Тошкентга келишни ҳам режалаштирган. Таъкидлашича, бундан ташқари, шу ҳафта АҚШ Давлат котиби ёрдамчиси Доналд Лу ҳам Марказий Осийга келади.

ФРАНЦИЯДА ҲУКУМАТ ҲАМКОРЛИКНИ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРМОҚЧИ

Франциянинг амалдаги Меҳнат вази-



ри Элизабет Борн Бош вазир лавозимига тайинланди.

Елисей саройи баёнотида айтилишича, 61 ёшли Элизабет Борн Бош вазир этиб тайинланди ва унга янги ҳукуматни шакллантириш вазифаси юкланди. Элизабет Франция Республикасининг иккинчи аёл Бош вазири бўлди. Ушбу лавозимдаги биринчи аёл Эдит Крессон қарийб 1 йил ҳукуматни бошқарган эди.

АҚШДА ГИПЕРТОВУШЛИ РАКЕТА

АҚШ Ҳарбий-ҳаво кучлари 14 май куни илғор гипертвовушли ракетани (ARVW) муваффақиятли синовдан ўтказди. Бу ҳақда Ҳарбий-ҳаво кучлари баёнотида айтилган.

Ракета синови Калифорниянинг жанубий қирғоғида амалга оширилган. Ракетанинг тезлиги товуш тезлигидан беш баравар юқори бўлган.

Апрель ойи бошида Пентагоннинг илғор тадқиқот лойиҳалари агентлиги Лоскхед Мартин гипертвовушли ракетасининг синов парвозлари муваффақиятли ўтказилганини эълон қилган. Синов пайтида ракета 5 Махдан (1 мах – соатига 5 994,006 километр) юқори тезликка етишга муваффақ бўлган.

Манбалар асосида Аҳмад ҚУРБОНОВ тайёрлади.

БИЛАСИЗМИ?

Фермер хўжалиги тугатилаётганда уларга ажратилган ер майдонида сарфланган харажатлар бозор қийматида қоплаб берилди

Фермер хўжалиги ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи бошқа субъектлар тугатилаётганда ёхуд мақбуллаштирилаётганда, уларга ажратилган ер майдонида сарфланган харажатлар бозор қийматида ҳисобланиб, қоплаб берилиши таъминланади.

Туман (шаҳар) ҳокимининг тугатилган ёки мақбуллаштирилган қишлоқ хўжалиги ташкилотининг ер участкасини бошқа талабгорга ажратиш тўғрисидаги қарори:

– ер участкасида сарфланган харажатларнинг бозор қиймати, баҳолаш харажатлари тегишли қишлоқ хўжалиги ташкилотининг банк ҳисобварағига ўтказилганида ёки бошқа шаклда қишлоқ хўжалиги ташкилотига тўлиқ қоплаб берилганда;

– қишлоқ хўжалиги ташкилоти ер майдонини мақбуллаштириш ёки уни тугатиш туман (шаҳар) ҳокимлиги ташаббуси асосида амалга оширилганда, баҳолаш харажатлари танлов ҳолиби томонидан туман (шаҳар) ҳокимлигига тўлаб берилганидан сўнг қабул қилинади.



Пенсия тайинланишида ўзгаларнинг парваришига муҳтож айрим шахсларга қараб турилган вақт иш стажига қўшиб ҳисобланади

Фуқароларга пенсия тайинланишида I гуруҳ ногиронлиги бўлган ёки 16 ёшгача бўлган ногиронлиги бор болага, шунингдек, ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган (даволаш муассасасининг хулосасига кўра) 80 ёшга тўлган қарияларга қараб турилган вақт иш стажига қўшиб ҳисобланади.

t.me/huquqiyaxborot

РЕКЛАМА ЎРНИДА

БИРИНЧИ АҚЛЛИ «SMART OFFICE» ОЧИЛДИ

МАМЛАКАТИМИЗДА «РАҚАМЛИ ЎЗБЕКИСТОН — 2030» СТРАТЕГИЯСИГА МУВОФИҚ ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ ВА ҲУДУДЛАРИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ, ДАВЛАТ АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ ҲАМДА ЭЛЕКТРОН ХИЗМАТЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ, ШУНИНГДЕК, РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН КЕНГ ФЙДАЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА «АГРОБАНК» ТИЗИМИДА КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.



Жаҳон амалиётдан ҳам яхши маълумки, энг йирик ва муваффақиятли компанияларнинг афзаллик жиҳати хизмат кўрсатишдаги қўлайлик ва тезкорлигидадир. Тақдим этилаётган хизматлар одамлар турмуш тарзининг енгиллашишига ҳисса қўшиши керак. Мижозларига энг яхшисини тақдим этишга одатланган «Агробанк» ҳам айна шу жиҳатни инобатга олган ҳолда, ўзининг замонавий, ихчам smart офисини тақдим этди.

Smart офисларнинг иш бошлагани тадбиркорлар учун ҳам, оддий одамлар учун ҳам айна муддао бўлди. Сабаби, энди биргина шу «ақлли офис»нинг ўзида нақд пул ечиб олишдан тортиб, кредит расмилаштиришгача бўлган барча амалиётларни тез ва сифатли бажариш мумкин.

Замонавий қиёфа, замонавий хизматлар республикада биринчи бўлиб «Агробанк»нинг smart-офисидан бошланади. Эндиликда банк хизматларидан фойдаланмоқчи бўлган фуқароларимиз «Агробанк»нинг ақлли "Smart Office" хизматларидан ўзига қўлай вақтда фойдаланишлари мумкин.

Smart Office – ақлли шохобча бўлиб, банк ходимлари иштирокисиз 24/7 режимида фаолият юритади. Мазкур шохобчада барча турдаги банк операциялари автоматлаштирилган ҳолда хизмат кўрсатади.

Ақлли офисда картотат, автоматлаштирилган депозит машина (АДМ), video-teller машиниси (VTM), банкомат, инфокиоска,

Ресепшн-робот ҳамда Touchscreen (сенсорли экран) қурилмалари жойлаштирилган.

Офисга киришингиз билан сизни "Ресепшн-робот" кутиб олиб, мижозларнинг қизиқтирган саволларига жавоб беради. Банкда кўрсатилаётган барча хизмат турлари, ўтказилаётган акциялар ҳамда янгиликлардан хабардор этади. Кўрсатилаётган хизматлардан фойдаланиш имкониятлари ва қурилмалардан фойдаланиш тартиби тўғрисида батафсил тушунчалар беради. Мижозлар ўзининг веб саҳифаларига кириб маълумотларини (ушбу роботнинг экранда пайдо бўлади) олиш имконига эга бўлади. Робот VIP мижозларни танийди.

Картотат қурилмаси орқали мижозлар банкка ташриф буюрмаган ҳолда НУМО ва Visa пластик карталарини олиш ёки яроқлик муддати ўтган ёки носоз бўлиб қолган ҳамда йўқолган шу турдаги пластик карталарни 2-3 дақиқа ичида қайта олиш имконияти яратилган.

Автоматлаштирилган депозит машиниси (АДМ) эса юридик шахс ва яққа тартибдаги тадбиркорларга банкка ташриф буюрмасдан онлайн тарзда ҳисоб рақамларига инкассация қилиш, нақд миллий валюта орқали барча турдаги пластик карталарни тўлдириш ва "Агробанк" томонидан расмилаштирилган кредитга ҳисобланган фоизларни нақд миллий валютада тўлаш имконини беради.

Video-teller машиниси (VTM) қўшимча экран ҳамда видеомашлаҳат ускуналари билан жиҳозланган, мазкур қурилма орқали мижозлар барча турдаги банк операцияларини амалга ошириши мумкин. Жумладан, нақд хорижий ва миллий валюта орқали банк пластик карталарини тўлдириш, хорижий пул ўтказмалар қабул қилиш ва ўтказиш, омонат расмилаштириш, ҳисоб рақамларини очиш ҳамда уни тўлдириш, жисмоний шахсларга кредит расмилаштириш шомлида бериш, tu.agrobank.uz сайтида мавжуд барча хизмат турларидан фойдаланиш, ушбу банкоматдан фойдаланган ҳолда "Call-Centre"да бириктирилган ходим

билан мижозларга тушунчалар бериш хизматлари бажарилади.

Банкомат қурилмаси uzcard тўлов тизимига уланган бўлиб, ушбу банкомат орқали нақд миллий валюта олиш, пластик картани нақд миллий валютада тўлдириш, нақд хорижий валютани нақд миллий валютага айирбош-лаш, нақд хорижий валюта орқали сўм пластик картани тўлдириш ҳамда сўм пластик карта орқали нақд хорижий валюта сотиб олиш мумкин.

Энг эътиборлиси, мазкур банкомат ёрдамида пластик карта иштирокисиз, махсус код орқали нақд пул ечиб олиш имкони мавжуд. Бунинг учун смартфонингиз "Агробанк" мобил иловасига уланган бўлиши керак. Бундан ташқари, ушбу қурилма орқали тўловларни (телефон, интернет провайдерлар, коммунал тўловлар ва бошқа...) амалга ошириш мумкин. Бу хизматлар ҳозирча фақат "Агробанк"да мавжуд.

Яна бир банкомат қурилмаси НУМО тўлов тизимига уланган бўлиб, ушбу банкомат орқали нақд миллий валюта олиш, пластик картани нақд миллий валютада тўлдириш мумкин.

Инфокиоска қурилмаси орқали мижозлар нақд миллий валютада ёки сўм пластик карта орқали коммунал, пайнет амалиётларини бажариш ҳамда кредит сўндириш хизматларидан фойдаланади.

Touchscreen (сенсорли экран) қурилмаси орқали интернет банкинг хизматида фойдаланиш имконияти яратилган.

"Smart Office"ларни биринчи навбатда ҳар бир вилоят, ундан кейин туман марказларида қуриш режалаштирилган.

«Агробанк» республикамизнинг йирик тижорат банкларидан бири бўлиб, 170 та филиал, 146 та банк хизматлари марказлари, 498 та 24/7 кўринишидаги автоматлашган шохобчалар тармоғига эга.

"Агробанк" АТБ Матбуот хизмати.

СУВ КЎПМИ? КАММИ? ЕТАДИМИ?

ҲАМЮРТЛАРИМИЗНИНГ АЖОЙИБ ХИСЛАТЛАРИ КЎП. ТЎРТ КИШИ ТЎПЛАНСА, ДУНЁДАГИ, ОСМОНДАГИ ГАПЛАРНИ БИР ЧЕТГА ҚЎЙИБ, ЕР ҲАҚИДА, СУВ ҲАҚИДА, ОБ-ҲАВО ҲАҚИДА СУХБАТЛАШАДИ. БИР-БИРИНИ ЙИЛ КЎРМАГАН ТАНИШЛАР ОЗИБ-ЎЗИБ ТЕЛЕФОНДА "УЧРАШИБ" ҚОЛСА ҲАМ БИРИНЧИ Ё ИККИНЧИ ГАПДА ОБ-ХАВОНИ СЎРАЙДИ. БУ ОЛАМДАГИ КАТТА ИШЛАРГА АҚЛИМИЗ ЕТМАГАНДАН ЭМАС, ХАЛҚИМИЗНИНГ, ҚАДРДОНЛАРИМИЗНИНГ РИЗҚИ-НАСИБАСИ ЕРГА, СУВГА, ОБ-ҲАВОГА ҲАЛИЯМ ҚАТТИҚ БОҒЛАНГАНДАН.

БУ ЙИЛ СУВ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ? ЕТАДИМИ? КЕЛАДИМИ?

Республикаимиз миқёсида ягона сув сиёсатини олиб борадиган Сув хўжалиги вазирлиги ахборот хизматининг берган маълумотига кўра, мамлакатимиздаги сув омборларида жами 11,21 миллиард куб сув йирилган. Бу 2021 йилга нисбатан солиштирилганда 1 миллиард 261 миллион куб метрга кўпдир.

Лекин ҳозирги йирилган сув ўртача уч йилликка қараганда 839 миллион куб метрга камроқ. Ёгингарчиликлар даврида Сурхондарё вилоятидаги Жанубий Сурхон, Тўпаланг сув омборлари, Қашқадарё вилоятидаги Чимкўрғон, Пачкамар, Қамаш сув омборлари, Самарқанд вилоятидаги Каттақўрғон, Окдарё сув омборлари, Жиззах вилоятидаги Жиззах сув омбори ва Тошкентдаги Оҳангарон, Тошкент сув омборлари анча тўлди. Ўзига яраша захира яратилди, лекин етарли эмас.

«Ўзгидромет» прогнозларига кўра, Амударё ҳавзасида ҳам сув кам бўлади, шунингдек, Сурхондарёда 65-70 фоиз, Қашқадарёда 55-65 фоиз бўлиши башорат қилиняпти.

ВАЗИР ЎРИНБОСАРИ ҚАНЧА СУВ ТЕЖАМОҚЧИ?

Обиҳаётнинг ҳар томчисини қадрлаш, исроф қилмаслик, ундан унумли фойдаланиш учун бу йил 7 миллиард метр/куб сувни тежаш кўзда тутилмоқда, – дейди **Сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Азимжон Назаров**. – Жумладан, сувни тежовчи технологияларни жорий қилиш ва ерларни лазер текислаш эвазига 3 миллиард м², ирригация тармоқларида таъмирлаш-тиклаш тадбирлари ҳисобидан 3,1 миллиард м³, АКТ ва рақамли технологияларни жорий этиш, сув кам талаб қиладиган экинлар улушини кўпайтириш ва қўшимча агротехник тадбирларни амалга ошириш эвазига 0,9 миллиард м³ сув тежаллади.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 1 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан жорий йилда сув тежайдиган технологияларни йирик сув узатиш ва сув чиқариш тармоқларининг бош қисмида «бир канал – бир тизим» тамойили асосида 230 минг гектарда, шу жумладан, 160 минг гектар майдонда томчилатиб сўғориш, 28 минг гектар майдонда ёмғирлатиб, 2 минг гектарда дискретли сўғориш ҳамда 218 минг гектар экин майдонларини лазерли ускуна ёрдамида текислаш бўйича манзилли рўйхатлар шакллантирилди.

Ҳозирда жами 2668 та қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларининг 87,7 минг гектар майдонида, жумладан, 2211 та талабгорнинг 76,5 минг гектар майдонида томчилатиб сўғориш, 457 та талабгорнинг 11,2 минг гектар майдонида ёмғирлатиб сўғориш технологиясини жорий қилиш бўйича қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, республикада сувни тежайдиган сўғориш технологиялари ускуналари ва бутловчи қисмларни

маҳаллий шароитда ишлаб чиқариш саноати кенгайиб, уларнинг сони 45 тага етказилди. Бу эса бутловчи қисмларнинг таннархини хориждан ташиш харажатларини тежаш ҳисобига 15-20 фоизгача пасайтириш ёки гектарига 5-7 миллион сўмга арзонлаштириш имконини бермоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилари учун ахборот алмашинувнинг шаффоф механизмини йўлга қўйиш мақсадида «Томчи-реестр» ягона электрон реестри ишлаб чиқилиб, ишга туширилди. Бугунги кунда 200 дан ортиқ корхона ушбу платформага тегишли ҳужжатларни онлайн шаклда киритган.

Бундан ташқари, субсидиялар бериш юзасидан тегишли материалларни тўплаш, кўриб чиқиш ҳамда ваколатли орган ва ташкилотлар билан келишишнинг «Agro-subsidiya» ягона ахборот тизими жорий этилиб, амалиётга татбиқ қилинди. 2022 йилдан бошлаб сув тежовчи технологияларни жорий қилган ишлаб чиқарувчиларга субсидиялар ушбу тизим орқали ажратилади.

СУВНИ ВАЗИРЛИК ЕТКАЗИБ БЕРИШИ КЕРАК

– Президентимизнинг жорий йил 1 март куни қабул қилинган "Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш ҳамда сув истеъмолчилари орасидаги муносабатларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори соҳага доир энг долзарб масалалар ечимини топган муҳим ҳужжат бўлди, – дейди **Сув хўжалиги вазирининг ўринбосари Рустам Қаршиев**. – Ушбу қарор билан сув ресурсларини қуйи бўғингача вазирлик ва унинг тизимидаги ташкилотлар етказиб бериши белгиланди. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда туман ирригация бўлимлари таркибида, туман ирригация бўлимлари мавжуд бўлмаган туманларда ирригация тизими бошқармаси таркибида жами 160 та юридик шахс мақомига эга бўлмаган хўжалик ҳисобида фаолият юритувчи сув хўжалигининг махсус хизмати ташкил этилди. Барча махсус хизматларга раҳбарлар тайинланди.

Айни пайтда махсус хизмат билан сув истеъмолчиси ўртасида сувни етказиб бериш ва кўрсатилган бошқа хизматлар учун тўланадиган маблағлари кўрсатилган ҳолда шартнома тузиш ишлари яқунлашиб, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш ишлари амалга оширилмоқда.

Қўшимча қилинишича, ҳар бир вилоят, ҳар бир канал қанча миқдорда сув олиши учун лимит қўйилган. Унда қанча сув берилади, қанча ишлатилиши кераклиги кўрсатилган. Сув танқис бўлганда, Хоразм ва Қорақалпоғистонга сувни етарлича бериш имкони йўқ. Лекин вилоятлардаги сўғориш тизимининг фойдали иш коэффициенти ҳисобига қайси вилоятларда кўпроқ сув йўқотилишини айтиш мумкин. Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон Республикасида жуда кўп сўғориш тизимлари тупроқ ўзанли. Шунинг учун ҳам инвестиция дастурлари доирасида ўша

вилоятларга кўпроқ маблағ ажратилади, шу билан бирга, хорижий инвестициялар ҳисобидан ҳам лойиҳалар йўналтирилмоқда.

– Очиғини айтадиган бўлсам, деҳқонларни жуда қийнаб келаётган муаммо сув масаласи ҳисобланади, – дейди **Қашқадарё вилояти, Қарши туманидаги "Абдиев Мажд Абдиевич" номи фермер хўжалиги раҳбари Суён Абдиев**. – Бундай дейишимнинг боиси, вилоят ҳамда туманимизда бўш турган ерлар анчагина. Аммо, у ерлар лалми ҳисобланади, сув чиқмайди. Бепоён ерларга қараб, агарда шу ерларга ҳам сув чиқаришнинг имконияти топилса борми, нафақат Ўзбекистонимизни балки, дунёнинг кўпгина давлатларини ҳам бемалол озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имконияти яратиларди, деб ўйлайман. Давлатимиз раҳбари томонидан бугунги кунда олиб борилаётган оқилона сиёсат туфайли деҳқон ва фермер хўжалиқларидан тортиб, аҳолининг хусусий томорқа ерлари учун ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун оқар сувлари етказиб берилмоқда.

Шу ўринда ана бир ҳақиқатни айтиб ўтмоқчи эдим. Бундан 10-15 йиллар олдин оқар сувлар жуда бемалол бўлганиданми, обиҳаётнинг қадрига етмаган эканимиз-да. Сув мўл-ку, деган қарашда деҳқончиликка берилаётган сувлар бемалолчиликда ишлатилган. Мисол учун, деҳқон ёки фермер далага сувни очиб қўйиб, бемалол бошқа ишлари билан юришаверган. Сув борган жойига борган, бормаган жойига бормасдан қўллаб, йўл ёқаларидан оқиб ётарди. Мана, энди сувнинг ҳар бир томчисидан оқилона фойдаланиш лозимлигини, сув бўлмаса, ҳеч бир одамнинг ҳаёти фаровон бўлмаслигини барчамиз яхши англамоқдамиз. Ҳозирда фермер хўжалигимизга қарашли 100 гектар ер бўлиб, 36 гектарига ғалла, қолган қисмига пахта ҳамда чорва озуқасига мўлжалланган экинлар экилган. Бугунги кунда оқар сувнинг йўқотишларини камайтириш учун ариқлар тозаланмоқда. Пахта ва бошқа экинлар шарбат усулида ҳамда кечки вақтда сўғорилмоқда. Бундай усул такрорий сўғориш вақтини анчага узайтириш билан бирга, сувни маълум миқдорда тежаш имконини берапти. Сувнинг тежалиши натижасида иккинчи ҳосил, яъни ғалладан бўшаган ерлардан ҳам унумли фойдаланиб, полиз ва сабзавот маҳсулотларини етиштириш имкониятларини яратмоқда. Эътиборли жиҳати, бугун фермерларимиз соҳа мутахассисларининг тавсиясига кўра, сув бориши қийин бўлган ерларга ҳам кам сув талаб қиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш тавсия қилмоқда. Бир сўз билан айтганда, қишлоқ хўжалиги тизими ақил, фан ва инновация кириб келаётгани соҳани ривожлантиришга хизмат қилиши керак.

Юқорида қишлоқ хўжалиги ва бошқа мақсадлар учун ишлатиладиган оқар сувларнинг жорий йилдаги ҳолати ҳақида маълумотлар билан танишингиз. Дунёда муаммога айланган улгурган ичимлик суви билан боғлиқ вазият мамлакатимизда қандай?

СУВ ТАНҚИСЛИГИ НЕЧЧИ БАРОБАРГА ОШАДИ?

– Чорвоқ сув омборига (Чирчиқ дарёсига) ва Зарафшон дарёсига 2013-2014, 2018, 2020 ва 2021 йилларда меъёрдан 10-15 фоиз кам сув келиши кузатишган, – дейди **«Ўзгидромет» ахборот хизмати раҳбари Муниса Асилходжаева**. – Сув танқислиги, ўз навбатида, ичимлик суви танқислигига олиб келмоқда. Сўнги 15 йил ичида аҳоли жон бошига йиллик сув ҳажми нисбатан камайган. Ичимлик суви

"Ўзбекгидроэнерго" АЖ

5 ЁШДА

"Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамияти Ўзбекистонда энг кўза кўринган ташкилотлардан бири. Катта лойиҳаларнинг бошида турибди. Президентимизнинг 2017 йил 18 майдаги фармони билан ташкил этилган "Ўзбекгидроэнерго" АЖ бугун 5 ёшга тўлибди. Қисқа вақт мобайнида мамлакатимиз гидроэнергетика тармоғини янада ривожлантириш, қайта тикланувчи энергия манбаи ҳажминини ошириш жараёнларида муҳим ютуқларга эришаётган жамият халқимизга хизмат қилиб, кўп яхшиликлар келтиришига тилақдошимиз.

"Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамияти ахборот хизмати маълум қилишича, жамият томонидан қатор инвестициявий лойиҳалар асосида мамлакатимиз бўйлаб кенг қўламли гидротехник иншоотларни қуриш ва модернизация қилиш ишлари амалга ошириб келинмоқда. Эришилган натижалар халқаро даражада ҳам эътироф этилди. Жумладан, 2020 йилда "Ўзбекгидроэнерго" АЖ жаҳонда етакчи "учлик" рейтинг агентлиқларидан бири ҳисобланган "Fitch Ratings" халқаро рейтинг агентлигининг "B+" (барқарор) рейтингини қўлга киритган бўлса, 2021 йилда жамият рейтингини "BB-" (барқарор) даражасига кўтарилди.

"Fitch Ratings" халқаро рейтинг агентлиги "Ўзбекгидроэнерго" АЖнинг нафақат молиявий-иқтисодий ҳолатини ўрганиди, балки унинг корпоратив бошқарув тизимини, бизнес стратегиясини, ички норматив ҳужжатларининг юритилиши ва бошқа йўналишларини чуқур ўрганиб, таҳлил қилади. Рейтинг агентлиги томонидан олиб борилган ўрганишлар, чуқур таҳлиллар ҳамда корхоналар фаолиятининг одил баҳолашнинг натижасида жамият республикада ишлаб чиқарувчи корхоналар орасида биринчилардан бўлиб "BB-" даражасини ҳам қўлга киритди.

Бундан ташқари, жамият дунёнинг илғор консалтинг компанияларини ҳам жалб қилди. Жумладан, молия соҳасига "Pricewaterhousecoopers", рақамли трансформация бўйича Россиянинг "X-Holdings", корпоратив бошқарув ва инвестиция дастурини қайта кўриб чиқиш учун "McKinsey & Company" корхоналари билан ҳамкорлик ўрнатилиб, жамиятни ривожлантириш бўйича зарурий маслаҳат ва тавсиялар олинди. Бир қатор йирик инвестициявий лойиҳалар ҳаётга изчил татбиқ этилди.



5 йил мобайнида "Ўзбекгидроэнерго" АЖ тегишли дастур доирасида Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Франция, Италия, Германия, Жанубий Корея, Австрия, Туркия, Тожикистон ва Қирғизистон каби давлатлар билан янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш борасида изчил ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйди.

2017-2021 йилларда мавжуд 36 та ГЭС янгидан қурилган йирик, ўрта ҳамда микро ГЭСлар ҳисобига 50 тага етказилди. Мамлакатимизнинг умумий гидроэнергетик қуввати қарийб 2 052,7 МВт ни ташкил этмоқда.

Байрам куни билан гидроэнергетика соҳасида фаолият юритаётган барча ишчи-ҳодимларни самимий муборакбод этамиз! Сизларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат ва халқимизга хизмат қилиш йўлида туганмас куч-ғайрат тилаймиз.

Тоштемир МУРОД тайёрлади.

таъминоти ва канализация хизмати кўрсатишга бўлган талаб кундан-кунга ортиб бормоқда. Шунингдек, Жаҳон банкининг таҳлилий кўрсаткичларига кўра, 2050 йилга бориб Ўзбекистонда сувга бўлган талаб 59 куб метрдан 62-63 куб метргача ошади ва мавжуд сув ресурслари 57 куб метрдан 52-53 куб метргача камаяди. Бу эса жорий сув танқислигини (2 куб метрдан 11-12 куб метргача) беш баробарга оширади.

– Республика бўйича 2022 йил 1 январь ҳолатига жами 35 067,6 минг аҳолининг 24 433,5 минги ёки 69,7 фоизи марказлашган ичимлик суви билан таъминланган бўлиб, 10 635,5 минг аҳолининг ичимлик сув таъминоти алтернатив (булоқ, скважина, қудуқ, қачалка, дарё, сой, канал, ҳовуз) сув манбаларидан амалга оширилиб келинмоқда, – дейди **«Ўзсув-таъминот» АЖ ахборот хизмати раҳбари Акмал Муродов**. – Бундан ташқари, ер ости ва ер усти ичимлик сув захиралари республиканинг тоғ ва тоғ олди ҳудудлари, шунингдек, дарёларнинг юқори ва ўрта оқимларида етарли даражада. Ушбу ҳудудлар қуйидагилар: Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Самарқанд вилоятлари, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг шарқий ҳудудлари, шунингдек, Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг тоғли ҳудудлари.

Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятлари ҳамда Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларининг гарбий қисмлари сув захиралари етишмайдиган ҳудудлар ҳисобланиб, ушбу ҳудудларнинг сувга бўлган талаблари сув захираси етарли бўлган ҳудудлардан магистрал қувурлар тизимлари орқали амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, аҳоли ичимлик сувини тежаб ишлатиши учун истеъмолчиларга сув ҳисоблагичлари ўрнатилмоқда. Утган йилда инвестиция дастури, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" давлат дастурлари доирасида мамлакатимиз бўйлаб 312 мингта сув ҳисоблагичи ўрнатилди. Жорий йилда эса 225 мингта сув ҳисоблагичини ўрнатиш режалаштирилган бўлиб, январь-апрель ойларида 121 мингта сув ҳисоблагичи ўрнатилди. Шунингдек, 2022-2024 йилларда жамият тасарруфидаги сув иншоотларига, магистрал ва кўча бошидаги тармоқларга жами 15 579 та сув ҳисоблагичини ўрнатиш режалаштирилган. Айни пайтда Кореянинг «K-Water» корпорацияси билан ҳамкорликда тажриба тарқасида пойтахтимизнинг Миробод ва Шайхонтоҳур туманларида жойлашган кўп квартирли уйлардаги 8450 та хонадонда «ақлли» сув ҳисоблагичларини ўрнатиш лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Сув ҳисоблагичларини ўрнатиш истеъмолчилар учун ҳар томонлама афзалдир. Зеро, сув ҳисоблагичларини ўрнатиш сув сарфини аниқ мониторинг қилиш ва шу тарика орқичқа сув сарфланишининг олдини олиш, шунингдек, маълумотларни масофадан туриб юбориш имконини беради. Утган давр мобайнида сув ҳисоблагичларини ўрнатиш натижасида сув сарфи деярли 3 баробаргача камайишига эришилган.

Бир сонияга ҳам сув муаммосига эътиборсизлик қилишга ҳаққимиз йўқ. Ҳаммамизнинг ризқимиз кеча ҳам, бугун ҳам кўпроқ сув билан боғлиқ.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, "Ўзбекистон овози" муҳбири.

SPORT

+25 Корақалпоғистон Республикаси
+30 Хоразм

+28 Бухоро
+33 Навоий

+25 Тошкент Самарқанд
+30 Жиззах Сирдарё

+30 Қашқадарё
+25 Сурхондарё

+25 Андижон Наманган
+30 Фарғона

+27 Тошкент
+29 шахри

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

ok.com/uzbovozi

instagram

uzbovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

ЎТГАН ОЙ САУДИЯ АРАБИСТОНИДА ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИНИНГ ГУРУХ БОСҚИЧ ҲАМ ИШИНИНГ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ЮРТИМИЗ ШАРАФИНИ ҚАРШИНING «НАСАФ» ВА ТОШКЕНТИНИНГ «ПАХТАКОР» КЛУБЛАРИ ҲИМОЯ ҚИЛДИ. ҚАРШИЛИКЛАР ГУРУХ БОСҚИЧИДА ИККИНЧИ ҲАМ ИШИНИНГ ЭГАЛЛАБ, ПЛЕЙ-ОФФГА ЙЎЛ ОЛГАН БЎЛСА, «ПАХТАКОР» ТУРНИРНИ ТАРК ЭТИШГА МАЖБУР БЎЛДИ. КЛУБЛАРИМИЗНИНГ ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИДАГИ ИШИРОКИ БЎЙИЧА ТАНИҚЛИ СПОРТ ШАРҲЛОВЧИСИ МИРЗАҲАКИМ ТЎХТАМИРЗАЕВ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИК.

Мирзаҳақим ТЎХТАМИРЗАЕВ:



БИРОНТА ИШОНЧЛИ ФУТБОЛЧИ ЙЎҚ

— «Пахтакор»нинг Осиё чемпионлар лигасидаги асосий камчилиги нима эди? Жамоа гуруҳ босқичида охириги ўринни эгаллайди, деб ўйлаганидирми?

— Жамоа гуруҳ босқичидан чиқолмаслигини тахмин қилгандим. Башорат қилишни ёмон кўраман. Лекин, «Пахтакор»нинг таркиби, мураббий ва футболчилар нуқтаи назарида аввалгидан анча бўшашган. Шунинг учун охириги «Пахтакор»нинг гуруҳдан чиқиши жуда қийин масала эди. Бироқ, мусобақадаги ўйинларни кузатганимдан сўнг, рақиблар ҳам унчалик кучли эмаслигини кўриб «Эҳ, аттанг», дедим. «Агар мана шу жамоа яхшироқ йўналтирилганда, «Пахтакор» гуруҳдан чиқарди», деган фикр келди. Жамоанинг омадсизлигида нафақат мураббийни балки, клуб менежерини ҳам айблайман. «Пахтакор»нинг таркибидagi ўйинчиларнинг ҳаммасини бош мураббийнинг ўзи танлаб олган. У кўпчилик футболчиларни юртимизга келгандан кейин кўрди ҳамда имкониятидан келиб чиққан ҳолда, уларни майдонга туширди.

— «Насаф» Чемпионлар лигаси тарихида илк бор кейинги босқич йўлланиши қўлга киритди. Қаршиликлари «Пахтакор»дан ажратиб турадиган фарқ нимада, деб ўйлайсиз?

— Бу саволга нафақат мен, футбол ишқибозлари дадил жавоб беради — Рўзиқул Бердиев. Очиғи-да. Эътибор беринг, сўнгги йилларда «Насаф»нинг таркиби мунтазам равишда алмашмоқда. Клубда кўзга кўринган футболчини бошқалар сотиб оляпти. «Насаф»нинг бугунги кунда ўйини аввалгидан пасаймасдан, ўша шижоат билан қурилишида асосий меймор Рўзиқул Бердиев ҳисобланади. Айнан у жамоа ўйинини шакллантирди. Шунинг ҳисобига «Насаф» мусобақада олтига учрашувнинг барчасида устунликка эга бўлди. Ҳаттоки, ўзи ютқазиб қўйган баҳсда ҳам «Насаф» кучлироқ кўринган. Эътибор берган бўлсангиз, авваллари Ўзбекистон жамоалари араб мамлакатлари вакиллари билан учрашганда, аксарият ҳолларда ҳимояга таянган ҳолда ўйин намойиш қилишни кўрардик. «Насаф» мана шу мусобақада кўпинча ўзи нимани хоҳлаганини рақибига кўрсатди. Ҳамда унга эришиш учун ҳужумга кўпроқ эътибор қаратди.

— Рақибларнинг асосий ғалабаларида легионер футболчиларнинг ўрни катта бўлди. Қачон бизнинг клублар ҳам легионер футболчи танлашда омадли бўла олади?

— Омадли бўлади дейиш, менимча, ноўрин. Сабаби, агар юксак савиядаги ўйинчини олиб келсангиз, унинг ўйин услуби сизнинг жамоангизникига мос тушса, ана шу омад. Мос тушмаса, селекционерларимиз яхши ишламаяпти, деймиз. Ваҳоланки, охириги йиллар олиб келинаётган легионерлар аксарият ҳолларда, афсуски, ўзимизнинг чемпионатда ўйнаётган маҳаллий футболчилардан устун эмас. Буни «Пахтакор» мисолида ҳам кўриш мумкин. Чемпионлар лигасининг сўнгги ўйинида турли сабабларга кўра легионерлар ўйнамади, шундан сўнг майдонга «Пахтакор»нинг ёшлари тушиди ва шу футболчилар шижоат ва ғайрат ҳисобига рақиб дарвозасига бешта гол уришди. Александр Пешур биринчи марта «Бунёдкор»га келганида 1,97 бўйи ва ўта кучли зарбаси ва тезлиги билан рақиб дарвозабонларини шошириб қўярди. Хирасимада «Бунёдкор» билан учрашувдан олдин япониялик журналистларнинг катта эътибори жамоанинг энг асосий футболчиси Александр Пешурга қаратилган. Ўша учрашувда «Бунёдкор» Япония жамоасини 2:0 ҳисобида енгиб, уч очко билан ортга қайтган.

Голларга эса Фозил Мусаев ва Александр Пешурлар муаллифлик қилган. Бугунги кунда Пешурга ўхшаш легионерлар йўқ. «Пахтакор»да Анзур Исмоилов ва Игор Кривецларнинг ўрнига олиб келинган футболчилардан умид катта эди. Ишқибозлар мана энди «Шерлар» халқлар майдонда муносиб иштирок этади, деб ўйлаганди. Жамоа эса эски даврларни эслаб, ҳеч бўлмаганда, Осиё чемпионлар лигасининг чорак ёки ярим финалига қадар етиб боради, дейишган. Бироқ, ҳимоя яна панд берди.

— Клубларимизга сарфланаётган пуллар қачондир ўзини оқлаши мумкинми? Жамоаларимиз халқаро майдонда фақат иштирокчи мақомида қолиб кетаверадими?

— Умуман, катта спортда фақат иштирокчи мақомидаги ўзи ҳам жуда катта аҳамият касб этади. Футбол — бу ижтимоий ҳодиса. «Пахтакор», «Насаф», «Сўғдиёна» ва яна

бошқа жамоаларимиз халқаро мусобақада иштирок этса, футболга эътибор кучаяди. Жамоанинг ўйинларини оддий томошабин кўради, раҳбар бўлиб ишлаётганлар кўради. Ҳомийлар пайдо бўлади. Ўша ҳомий ҳам жамоа ҳеч қаерда иштирок этмаса, ҳомийлик қилгиси келмайди.

— 2008-2012 йилларда «Бунёдкор» Осиё чемпионлар лигасининг ярим финалига қадар етиб борган. Ҳозирча ушбу натижани биронта клубимиз такрорлагани йўқ. Умуман, ўзбек футболда пасайиш кузатилмаётими?


— Кузатилмапти. Буни битта мен эмас, барча футбол мухлислари айтаяпти. Чунки, ўзбек футбол пасаймаса, ҳозир Ўзбекистон терма жамоаси жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинларида қатнашаётган бўларди. Тасаввур қилинг, бундан 10-15 йиллар илгари терма жамоада кимлар ўйнаганди? Ўша вақтларда Эрон, Жанубий Корея, Саудия Арабистони бўладими, барчаси жамоамиз билан бўладиган ўйинга ҳайқириб тушарди. 2012 йил Тошкентда Эрон терма жамоасига жаҳон чемпионати саралаш ўйинида ютқазиб қўй-

ганмиз. Ўша баҳсда ҳакам Одил Аҳмедовнинг голини ҳисобга олманган, ЖАР кичик стадион эди, қанчадан-қанча одам ташқарида қолиб кетган. Бироқ, телевизор орқали шу ўйинни кўрган мухлислар унда бизникилар кучли эди, дея эслашади. Улар бизнинг жамоамиз Эронни эзиб ташлади, деб баҳолашган. Бугун терма жамоанинг асосий таркиби шаклланган, деб ким айта олади? Кучли ҳимоячимиз борми? На ўнг қанот, на чап қанот ва на марказда биронта ишончли футболчи йўқ. Бир вақтлар чет элликларнинг ҳавасини келтирган Сардор Рашидов қани? Терма жамоада бугун шунақа ўйинчилар йўқ. Афсуски, ҳозирда клубларимиз билан бирга терма жамоамизда ҳам яхшигина пасайиш бор.

— Самийий суҳбат учун сизга миннатдорчилик билдираимиз.

— Сизларга ҳам раҳмат. Худо хоҳласа, албатта, ўзбек футболининг ёрқин ғалабаларини томоша қиламиз, деган умиддаман.

Жамшид АМИРОВ
суҳбатлашди.



ЭНГ ҚИСҚА ЧАТ

Тарихдаги энг қисқа ёзишмалар 1862 йилда француз ёзувчиси Виктор Гюго ва унинг ношири ўртасида бўлиб ўтган. "Хўрланганлар" ("Les Misérables") асари нашр этилганда, Гюго таътилда эди. У китобхонлар янги асарини қандай қабул қилишганини билмоқчи бўлиб ноширига биттагина "?" белгисидан иборат телеграмма юборган. Ношир ҳам бунга жавобан фақатгина "!" белгиси ёзилган хабар жўнатиб, асарнинг катта муваффақиятга эришганини билдирган.

РЕКЛАМА



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АМАЛДАГИ ҚОНУНЧИЛИГИГА МУВОФИҚ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ «ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ОГОҲЛАНТИРАДИ:

Республика ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (узқоқ массофали радиоэлектронлиқлар, радиостанциялар ва бошқа радиоэлектрон воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича «Электромагнит мослашув маркази» ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат қилинг.

Бизнинг манзиллар:

Тошкент шахри, Фарғона йўли кўчаси, 15-уй, телефон: (71) 202-61-69.

Андижон шахри, Истиклол кўчаси, 33-уй, телефон: (71) 230-64-65.

Бухоро шахри, академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, телефон: (71) 230-64-66.

Жиззах шахри, Ш.Рашидов кўчаси, 46-уй, телефон: (71) 230-64-68.

Нукус шахри, Ерназар Алақўз кўчаси, ШАТС биноси, телефон: (71) 230-64-75.

Қарши шахри, Мустақиллик кўчаси, 21-уй, телефон: (71) 230-64-78.

Навоий шахри, Амир Темур кўчаси, 4-уй, телефон: (71) 230-64-69.

Наманган шахри, Марғилон кўчаси, 8-«А» уй, 2-корпус, 54-хона, телефон: (71) 230-64-72.

Самарқанд шахри, Сельский, Колбоғ, Радио шахарча, телефон: (71) 230-64-80.

Термиз шахри, Ат-Термизий кўчаси, 28-уй, телефон: (71) 230-64-79.

Гулистон шахри, Мустақиллик кўчаси, 54-уй, телефон: (71) 230-64-67.

Фарғона шахри, Б.Марғилоний кўчаси, 30-уй, телефон: (71) 230-64-74.

Урганч шахри, Ал-Хоразмий кўчаси, 108-уй, 23-хона, телефон: (71) 230-64-77.

МУАССИС:

O'zbekiston ovozi

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy.

Телефонлар: (71) 276-10-91, (71) 276-20-67.

E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: **Ravshan SHODIYEV**
Sahifalovchi: **Bezod ABDUNAZAROV**

Г — 541. 2010 nusxada bosildi. O'za yakuni — 21:45.

Nashr ko'rsatkichi — 220. Topshirilgan vaqti — 23:20.

t — Tijorat materiallari 1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV

Ulug'bek VAFOYEV

Maqsuda VORISOVA

Qalandar ABDURAHMONOV

Guliston ANNAQILICHEVA

Muslihiddin MUHIDDINOV

Hayotxon ORTIQBOYEVA

Shuhrat ISLOMOV

Toشتهmir XUDOYQULOVOV